Бирдамлик байрами мубарак бўлсин!

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TÚRKISTAN

Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 1 май, чоршанба, №48 (3394).

ПРЕЗИДЕНТ ШАҲАР ШАНБАЛИГИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев "Таза Қазақстан" республика экологик акцияси доирасида ташкил этилган умумшаҳар шанбалигида иштирок этиб, Астанадаги "Улитов" хиёбонига кўчат ўтқазди.

Президент билан биргаликда кўнгиллилар, "Ассамблея ёшлари" ташкилоти вакиллари, фан, бунёдкорлик саноати, маданият, спорт соҳаларида фаолият юритаётган фаол ёшлар иштирок этиб, 430 туп кўчат ўтқаздилар.

Қ. Тўқаев ёшлар билан мулоқотда бўлди. Президент жамиятда экология маданиятини шакллантириш, табиатни муҳофаза қилиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

– Дарҳақиқат, мамлакатимизни ободонлаштириш катта давлат аҳамиятига молик вазифадир. Бу бугун эълон қилинадиган ва эртага унутиладиган бир марталик тадбир эмас. Бу иш мунтазам равишда олиб бориладиган амалиёт бўлади. Ватанимизни тоза сақлашимиз керак. Бу миллий муаммо. Қозоғистон тоза бўлиши керак. Ҳеч ким ифлос мамлакатга меҳмон ёки сармоядор сифатида келмайди. Лекин, биринчи навбатда, Қозоғистоннинг тоза ва гўзал бўлиши биз учун, яъни одамлар учун зарур. Бу кундалик турмуш тарзига айланиши керак. Шунингдек, бу борадаги ишлар нафақат пойтахт ва йирик шаҳарларда, балки кичик шаҳарча, туман ва қишлоқларда ҳам мунтазам ташкил этилмоқда. Бутун Қозоғистонни тоза сақлаш ёшларга боғлиқ. Мен ёшларга ишонаман. Шу боис ёшлардан умидим катта, – деди Давлат раҳбари.

Президент қонун устуворлиги ва тартиб барчага тегишли эканини айтиб, бузғунчиликка қарши дадил курашиш зарурлигини таъкидлади.

– Ватанимиз билан фахрланишимиз керак. Бузғунчиларга қарши қатъий курашишимиз керак. Улар қонун доирасида қатъий жазоланишини ҳам айтдим. Ҳамма нарсанинг чегараси бор. Мамлакатимизда тартиб бўлиши шарт. Қонунга барча риоя қилиш керак, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Шундан сўнг Давлат раҳбари Ботаника боғига ташриф буюриб, шаҳар миқёсида ўтказилаётган шанбаликда иштирок этаётган аҳоли, пойтахт коммунал хўжалиги ходимларига миннатдорчилик билдирди.

Akorda.kz.

МАКТАБ БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҒИ ЎТАДИМИ?

Жорий йили 3,8 миллиондан зиёд ўқувчи ўқув йилини якунлайди, уларнинг 186 минг нафари мактаб битирувчиларидир. Сўнгги қўнғироқ маросими бўйича Маориф вазирлиги матбуот хизмати қуйидаги маълумотларни берди.

– Шимолий минтақаларда юзага келган сув тошқини билан боғлиқ вазият ҳамда 25 май дам олиш кунига тўғри келиши муносабати билан 24 май куни барча мактабларда 2023-2024 ўқув йили якуни бўйича синф соати ўтказилади. У ерда синф раҳбарлари ўқувчилар билан биргаликда ўтган ўқув йилини сарҳисоб қилади, – дейди вазирликнинг Тарбиявий ишлар ва қўшимча таълим департаменти директори ўринбосари Қарлиғаш Қурманбекова.

Хабарга кўра, жорий ўқув йили 34 ҳафтадан иборат бўлиб, мактаб 25 майда якунланади. Шунингдек, вазирликдан маълум қилинишича, барча имтиҳонлардан сўнг (12-15 июнь кунлари) 11-(12-синф) битирувчиларига аттестатларни топшириш ва «Алтын белгі» билан тақдирлаш маросими ўтказилади.

"9-11-синф битирувчиларининг хавфсизлигини таъминлаш ва имтиҳонларга сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида пул йиғиш, тантанали тадбирлар, зиёфатлар уюштириш, кўчаларда автомашиналарда сайр қилиш тақиқланади", дейилади вазирлик хабарида.

ТДТнинг НОРАСМИЙ САММИТИ ОЗАРБАЙЖОНДА ЎТДИ

29-30 апрель кунлари Истанбул шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги 43-йиғилиши ўтди. Бу ҳақда ҚР Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Айбек Смадияров маълум қилди.

– Учрашувда ташкилотнинг 2023 йил 3 ноябрда Астана шаҳрида ўтган 10-саммити чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш, ташкилотнинг жорий йил ёзида Озарбайжонда ўтказилиши режалаштирилган норасмий саммити ва навбатдаги 11-саммитга тайёргарлик ишлари муҳокама қилинди, – деди Айбек Смадияров вазирликнинг ҳафталик брифингида.

Қозоғистон делегациясига Маданият ва ахборот вазири Аида Балаева етакчилик қилди.

ЎРТАЧА УМР КЎРИШ ДАВОМИЙЛИГИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

2023 йилда ҚРда аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 75,09 ёшни ташкил этди ва шу тариқа сўнгги 25 йилдаги энг юқори кўрсаткичга айланди. Эслатиб ўтамиз, 2020-2021 йиллардаги пандемия даврида бу кўрсаткич узоқ давом этган ўсишдан кейин пасайиб, кейин яна тикланди, дея хабар беради ҚР Миллий статистика бюроси.

Статистик маълумотларга кўра, шаҳарларда ўртача умр кўриш қишлоқларга қараганда юқори – 75,73 (шаҳарда) ва 74,02 ёш (қишлоқда).

Гендер нуқтаи назаридан аёлларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги ҳам ўсди ва 79,06 ёшни (2022 йил – 78,4), эркаклар ўртасида бу кўрсаткич 70,99 ёшни (2022 йил – 70,2 ёш) ташкил этди.

24.kz.

Аҳиллик - ютуқлар қаноти

Ҳурматли Туркистон вилояти аҳли!
Қадрли ҳамюртлар!
Сизларни 1 май – Қозоғистон халқи бирдамлиги куни билан чин дилдан табриклайман!

Қозоғистон тарихида машҳур шахслардан бири Майқи бийнинг "Бирлик туби – барака" деган ҳикматли сўзи бор. Шу боис, ҳамжиҳатлик ва бирлик бор жойда давлат тараққий этади.

Бугун Қозоғистон халқининг тинч-тотувлиги, бирлиги ва дўстлиги, ҳамжиҳатлиги мадҳ этиладиган кун. Бугунги кунда турли этнос вакиллари бир чанғароқ остида мустақил мамлакатимизнинг байроғини сарбаланд этиб, тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда. Бағрикенглик ва барқарорлик байроғи остида тараққиёт йўналишида бирга меҳнат қилиб келади. Яқинда ҚХАнинг "Бирлик. Бунёдкорлик. Тараққиёт" мавзуидаги XXXIII сессиясида Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Кемелули: "Тарих бирлаштирган тақдиримиз – ягона, ишонч билан қадам ташлаётган келажагимиз – ягона. Ягона миллат сифатида доим боболар меросига содиқ бўламиз. Хосиятли азиз чанғароғимиз – Қозоғистоннинг порлоқ келажагини бирга барпо этамиз. Мақсадимиз – аниқ, бу – Адолатли Қозоғистонни барпо этиш", дея Қозоғистон ҳудудини сув босганида элимизнинг мустаҳкам бирлиги яққол намоён бўлгани, бутун минтақада жамиятнинг барча вакиллари жипслашгани, шунингдек, қийинчиликни енгиб ўтишга Ассамблея аъзоларининг ҳам фаол ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлади.

Бу ишда Туркистон вилоятининг ҚХА ҳамда этномаданият бирлашмалари аъзолари четда қолмади. Улар юзлаб тонна инсонпарварлик ёрдами жўнатиб, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Бу – бирлигимизнинг яққол далили.

Минтақамизда 50дан зиёд этнос вакиллари ягона чанғароқ остида тинч-тотув ва аҳил ҳаёт кечирмоқда. Шунингдек, вилоятда 11та этномаданият бирлашмалари фаолият юритади. Улар барча хайрли ташаббусларда етакчи, давлатимиз фаровонлиги, Туркистон минтақасининг равнақига муносиб ҳисса қўшмоқда, деб ишонч билан айта оламан.

Қадрли туркистонликлар!

Барчангизни бирлик, аҳиллик байрами билан қутлаб, ҳар бир оилага тинчлик-омонлик, шоду хуррамлик, барака тилайман! Туркистонимиз равнақ топиб, Мустақил элимиз мангу бирдамликда юксалаверсин!

Дархан САТИБАЛДИ,
Туркистон вилояти ҳокими.

Ҳамжиҳатлик - ҳаётнинг кўрки

Ҳурматли Туркистон вилояти фуқаролари ва меҳмонлари!

Барчангизни 1 Май – Қозоғистон халқининг бирдамлиги куни билан чин дилдан табриклайман!

Бу кун – ҳар бир қозоғистонлик учун Ватанга муҳаббат ва ватанпарварлик руҳининг, умуммиллий тотувликнинг тантанаси.

Ижтимоий тотувлик ва сиёсий барқарорлик – бизнинг энг асосий бойлигимиз. Доно халқимиз "Бирлик бор жойда – барака бор", деганларидек, бугунги кунда миллатлар яхлитлиги ва халқлар дўстлиги туфайли давлатимиз тараққий этиб, олға қадам босиб келади.

Шу муносабат билан барчангизни ушбу байрам билан табриклаб, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, шоду хуррамлик, бахт-барака, мусаффо осмон ҳамда элимиз фаровонлиги йўлидаги меҳнатларингизга муваффақиятлар тилайман!

Давлатимиздаги миллатлараро тотувлик доим мустаҳкам бўлиб, ҳамжиҳатлик ва бирлик абадий бўлсин!

Нурали АБИШОВ,
Туркистон вилоят маслаҳати раиси.

МАЙ ОЙИДА ҚОЗОҒИСТОНЛИКЛАР НЕЧА КУН ДАМ ОЛАДИ

ҚР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қарори эълон қилинди. Ҳужжатда дам олиш кунини 2024 йил 4 май шанба кунидан 8 май чоршанба кунига ўтказиш назарда тутилган.

Шундай қилиб, май байрамлари учун қозоғистонликлар кетма-кет уч кун – 7, 8, 9 май кунлари дам олади.

«2024 йилдаги дам олиш кунини кўчириш таклифи Меҳнат кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган. Байрам кунлари, шунингдек, дам олиш кунларида иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида меҳнат ваколатли органи дам олиш кунларини бошқа иш кунларига ўтказишга ҳақли», дейилади Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги хабарида.

24.kz.

МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАРДА ТАРИХ СИРЛАРИ БИСЁР

Аввал хабар қилганимиздек, ҚР Маданият ва спорт вазирлигининг ташкилотчилиги ҳамда Eurasian Resources Group (ERG) шафелигида "Ҳазрат Султон" давлат тарихий-маданий қўриқхона музейига қарашли "Култепа қалъаси тарихий иншоотларини тиклаш" лойиҳаси доирасида Қозоқ илмий-тадқиқот маданият институти олимлари Туркистон шаҳрининг энг қадимги қисми – Култепа қалъасида ўзига хос антиқа қурилиш воситаси, яъни қадимги хонақоҳ мавжуд бўлганини аниқлаган эди.

Мутахассисларнинг фикрича, ушбу хонақоҳ бир неча асрлар бўйи – XV асрдан XIX асргача бўлган ораликда фаолият юритган ўзига хос маданий дурдонадир. Сабаби, бу ердан нафақат уй-жойлар ўринлари ва анъанавий хоналарнинг қолдиқлари, балки дарвешлар тариқатига хизмат қилган шахсларнинг тобутлари ҳам топилган. Бундай ёдгорликлар Ўтрор ва Қаялиқ каби қадимги қалъалардан топилган, лекин улар ҳажм ва аҳамияти жиҳатидан анча кичик эди. Шунинг учун яқинда топилган ушбу хонақоҳ мамлакат илф-фанига деярли номаълум ва жуда кам ўрганилган омил ҳисобланади.

– Култепада топилган кўҳна хонақоҳ – Яссавий тариқати билан бевосита боғлиқ бўлган қадимги даврнинг ноёб дурдоналаридан биридир. Бунинг исботи шундаки, Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасига яқин жойда, яъни атиги 300 метр узоқликда жойлашган, майитларнинг бошлари ҳам шимолга, яъни мақбарага қараб ётқизилгани сўфийлик ва эътиқоди мустаҳкам Ислом йўналишларидан эканини тасдиқлайди.

Муқаддас қадамжоларга ҳамда қабрларга сиғиниш ҳақида И. Гальцье, В. Базилов, С. Стасевич ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тилга олинган.

Марказий Осиё ва Шарқда муқаддас хонақоҳлар, яъни, улуғларнинг мозори зиёратгоҳ бўлиб келгани маълум. Қозоғистонда эса авлод-аждод асосчиларига сиғиниш ҳолати мавжуд бўлиб, Ислом динидан аввал оммалашган, – дейди лойиҳанинг илмий раҳбари, фалсафа фанлари доктори, профессор, Қозоғистонда хизмат кўрсатган арбоб Андрей Хазбулатов.

– Кўпинча бундай қадимги хонақоҳлар ҳокимият эгалари ёки уларнинг вакилларининг топшириқлари асосида қурилиб, масжид ва мадраса каби хайрли иншоотлар қурилиши билан тенг саналган. Одатда, улар барча мусулмон мамлакатларидаги шаҳарларда ва йўл бўйларида қурилган. Култепадаги хонақоҳ эса иситиш печлари ва кичик тандирлари бор 10та хонадан иборат мажмуадир. Унинг жануби-шарқий қисмида 7та ерости тобути бор тик бурчакли мақбара жойлашган. Унда дафн этилганларнинг бошлари шимолга – Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасига қарата ётқизилган. Бу хонақоҳнинг Яссавий мазҳабига эътиқод қилувчиларга тегишли деган далилни келтириб чиқаради, – дейилади лойиҳа ҳисоботида.

Дарвоқе, ушбу топилма бугунги кунда қадимий Култепа қалъасидан топилган ҳақиқий жавоҳир. Яссавий йўлида эътиқод қилган сўфийлик оқими вакилларининг ҳаёти ва фаолиятини очиб беришга хизмат қиладиган зўр восита, деб ҳисоблайди лойиҳа бош илмий ходимаси Жанерке Шайгўзова.

Бугунги кунда Култепадан топилган бебаҳо топилмалар – тангалар, одам суяклари ва бошқа буюмлар антрополог ва генетикларнинг тадқиқот ишларига ўта зарур, ноёб осори-атиқа бўлди, қолаверса, Қозоғистон тарихининг илгари маълум бўлмаган саҳифаларини очади, диний эътиқод илдизлари қадим-қадимга бориб тақаладиган аждодларимиз фаолиятини ўрганишга хизмат қилади.

Очиқ осмон остида очилажак ушбу бўлажак музей учун 27 гектар ер ажратилган. Ҳудуд уч йил мобайнида тадқиқ қилиниб, топилган тарихий жойлар қайта тикланмоқда. "Култепа шаҳарчаси" очиқ осмон остидаги археология музей-паркини ташкил этишнинг биринчи босқичи якунланмоқда. Лойиҳанинг давоми сифатида ташриф буюрувчиларга замонавий рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда қадим замонларга саёҳат қилиш имконини берувчи иншоот барпо этилади. Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, қурилиш бошида мутасаддилар билан учрашиб, лойиҳани давом эттириш масаласини муҳокама қилди. Пудратчи компания раҳбарларига кўрсатмалар берди.

Кўп асрлик тарихга эга шаҳарча қадимий Ясси шаҳрининг бир қисми бўлганлиги сабабли лойиҳа ЮНЕСКО назорати остида амалга оширилмоқда. Ноёб лойиҳа сайёҳлар эътиборини жалб этиши шубҳасиз. Вилоят ҳокими шаҳарчада ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиш, тарихчилар билан маслаҳатлашган ҳолда қурилиш ишларини олиб бориш юзасидан топшириқлар берди.

– Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси ЮНЕСКО ҳимоясидаги тарихий мерос бўлгани боис, унинг ҳудудидаги ишлар қатъий назорат қилиниши керак. Бу шаҳарнинг ҳар бир тоши тарихдир. Тарихий обидаларга зарар етказилмаслиги керак. Биз ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Атроф яшилликка буркалган бўлиши ва сайёҳларни жалб этиши керак. Янги иншоотларнинг сифатига эътибор қаратиш лозим. Тарихий ва сайёҳлик иншоотида бутун бир уйғунлик бўлиши керак, – деди Дархан Сатибалди.

Маҳаллий олимлар Култепа шаҳарчасини қайта тиклаш ва илмий-тадқиқот ишлари давомида турли даврларга оид иншоотларни, ҳунармандлар устахоналари, улар ясаган буюмлар, қадимий савдо расталари, ҳовлилар ва 12-19-асрларга оид қалъа деворларининг унсурлари топилган. Ушбу осори-атиқалар "Култепа шаҳарчаси" боғига ўрнатилиши ва саёҳатчиларга тақдим этилиши керак.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати маълумотлари асосида.

ЎРДАБОШИ ХИЁБОНИГА КЎЧАТ ЎТҚАЗИЛДИ

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев "Тоза Қозоғистон" мавсумий тадбир эмас, мунтазам амалиётга айланадиган эзгу ташаббус эканлигини таъкидлади. Вилоят маслаҳати раиси Нурали Абишов тадбирни қўллаб-қувватлаш мақсадида халқ билан биргаликда Ўрдабоши туманида кўчат ўтқазиб, тозалаш ишларида иштирок этди.

Хайрли ишда Ўрдабоши тумани ҳокими Азат Ўралбайули, вилоят маслаҳати депутати Ғани Райимбеков ҳамда туман маслаҳати раиси, қишлоқ аҳолиси ва ёшлар, оқсоқоллар иштирок этишди.

Вилоятда "Тоза Қозоғистон" тадбири юксак савияда давом этмоқда. Уч ҳафта мобайнида минглаб кўчатлар ўтқазилиб, аҳоли манзиллари ва кўчалар тозаланди. Нурали Алмаханули "Муқаддас манзил" ҳафталигида аҳолини шанбаликка жалб этиб, ҳар бир фуқаро тозаликни ўзидан бошлаб, заминимизни чиқиндилардан тозалашда фаол иштирок этишга чақирди.

Туркистон вилоят маслаҳати.

САРИОҒОЧЛИКЛАР "ЯШИЛ ҲУДУД" ЭКОТАДБИРИДА ФАОЛ

«Тоза Қозоғистон» республика экоакциясининг «Яшил ҳудуд» ҳафталиги доирасида Сариоғоч туманида кенг қамровли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Йўл бўйларида кўчат ўтқазилди, дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Шунингдек, ариқлар тозаланди. Бундан ташқари, давлат хизматчилари муассаса ҳовлисига гуллар экишди.

Айни пайтда "Яшил ҳудуд" ҳафталиги доирасида тумандаги умумий шанбалик давомида 38та кўча, 2та бекат, 15 чақирим пиёдалар йўллари, 8та хиёбон, 3та спорт майдончаси, 12та ариқ, 15 чақирим суғориш тизими тозаланди. Тадбирларда 2368 одам иштирок этиб, ободонлаштириш ишларига 51та техника сафарбар қилинди.

Бу каби тадбирлар барча қозоғистонликларда маданиятни шакллантиради.

Барча қишлоқлар аҳолисини ҳовлилар, майдонлар, кўчаларни тозалашда фаол иштирок этишга чақирамиз.

Туман ҳокими матбуот хизмати.

ЮРАКДАН – ЮРАККА!

Қозоғистон тожиклари республика этномаданият бирлашмаси тадбиркорлари "Юракдан – юракка" хайрия тадбири доирасида сув тошқинидан жабр кўрган вилоятлар аҳолисига 25 миллион тенгелик инсонпарварлик ёрдамини жўнатди.

Хайрия тадбири давомида Қозоғистон Республикаси Президенти Маъмурияти котибияти раҳбари ўринбосари Ғалимжан Махан бирлашма аъзолари ва тадбиркорларга миннатдорчилик билдирди.

"Юракдан – юракка" акциясида «ISMA INVEST» қурилиш компанияси, «Планета одежда» дўкони, «Қўрғақ жемістер әлемі» МЧБ, «Орех» ва бошқа қатор тадбиркорлик корхоналари иштирок этди.

– Апрель ойи бошидан буён сув тошқинидан жабр кўрган ҳудудларни, яъни Шимолий Қозоғистон ва Атиров вилоятларининг туман ва қишлоқларини шахсан бориб кўрдим, халқ билан учрашдик, у ерда штаб ташкил қилдик. Қозоғистон халқи Ассамблеясининг "Юракдан – юракка" акцияси доирасида биз олиб келинган инсонпарварлик ёрдамини ҳудудлар бўйича тақсимлаб, тарқатдик. Халқимиз азалдан ҳамжиҳатлиги ва бирлиги билан кўп қийинчиликларни мардонавор енгиб келган. Бу сафар ҳам ўз азму шижоатимизни кўрсатишимиз керак, – дейди Қозоғистон тожиклари этномаданият бирлашмаси раиси Акбаржон Исмоилов.

"Жанубий Қозоғистон" мухбири.

БИРЛИК. БУНЁДКОРЛИК. ТАРАҚҚИЁТ.

Халқимиз стратегик дастурининг асл мазмун-моҳиятини белгилаб берадиган, учта ғоя мужассам Қозоғистон халқи Ассамблеясининг XXXIII сессияси Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев раислигида масофавий ўтди.

Мамлакатимизнинг қатор минтақаларида сув тошқини натижасида юзага келган оғир вазият туфайли сессиянинг етти юздан ортиқ иштирокчилари ўз минтақаларида алоқага уланишди.

ҚР Парламенти Сенати Раиси М. Ашимбаев бошчилигидаги бир гуруҳ депутатлар, «Ягона мамлакат – ягона манфаат» депутатлик гуруҳи аъзолари сессия ишида иштирок этди.

Мажлис кун тартибида, табиийки, Қозоғистон халқи Ассамблеясининг бугунги кунда табиатнинг кутилмаган офатидан кейинги оқибатларини бартараф этиш ва қатор муаммоларга дуч келган ватандошларимизга ёрдам беришдаги ролига бағишланди.

Давлатимиз раҳбари тўфон пайтида Ассамблеянинг кенг кўламли ва мувофиқлаштирилган ишини таъкидлади.

Унинг таъкидлашича, жабрланганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Ассамблеянинг республика ва вилоят штаблари зудлик билан ташкил этилди.

Аслида, амалга оширилган ишлар оз эмас. Бутун мамлакатни қамраб олган «Юракдан юракка» кенг кўламли тадбири доирасида офат рўй берган ҳудудларга 1500 тоннадан ортиқ озиқ-овқат ва 770 миллион тенгедан ортиқ асосий эҳтиёж воситалари юборилди. Унда этномаданият бирлашмаларининг 12 мингдан ортиқ кўнгиллилари иштирок этди.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, Ассамблея миллий бирлик ва ҳамжиҳатлик қадриятларининг самарали йўлбошчиси эканлигини амалда яна бир бор намойиш этди.

Ассамблея Раиси эътибор қаратган энг муҳим йўналишлардан бири – бу ҚХА фаолиятини янги миллий «Инсонпарварлик – мафкуравий доктрина»си билан уйғунлаштиришдир.

Мафкуравий ислоҳотлар масаласида Президент шундай деди: «Қозоғистонда бундай кенг кўламли ислоҳотлар ҳеч қачон амалга оширилмаган, сифатли ислоҳотларни амалга оширишда давом этишимиз керак. Мамлакатимизнинг жадал ривожланиши учун ўнлаб йиллар давомида ечимини топмаган кўплаб муаммоларни ҳал қилиш зарур.

Фақат саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириб, сиёсат, иқтисодиёт, маданият ва ижтимоий соҳада туб ўзгаришларни амалга ошириб, келажакдаги ютуқлар учун мустаҳкам пойдевор яратишимиз мумкин бўлади. Шунинг учун Ассамблеянинг бугунги сессияси «Бирлик. Бунёдкорлик. Тараққиёт» деб номланди, – деди у.

Давлат раҳбари жамиятимизнинг бирдамлигини бузмоқчи бўлган ва ижтимоий тармоқларда бўлинишга ҳаракат қилаётган кучларнинг васвасаларига берилмасликка чақирди.

Ассамблея сессиясининг Қозоғистон халқи бирлиги куни арафасида ўтказилиши бежиз эмас. Дўстлик ва ҳамжиҳатлик рамзи бўлган ушбу байрам Қозоғистон жамиятини бирлаштирувчи омиллардан биридир.

Бу байрам – мамлакатимизда миллатлар ва элатларнинг дўстлик, тинчлик, фуқаролик тотувлиги ва бирлигининг ёрқин ифодасидир.

Байрам муборак!

Алишер СОТВОЛДИЕВ,
Қозоғистон Республикаси Парламент Сенати депутати.

БИРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК – БУНЁДКОРЛИК ПОЙДЕВОРИ

Давлатимиз раҳбари Қ. Тўқаев ҚХАнинг навбатдаги XXXIII сессиясида “Бирлик. Бунёдкорлик. Тараққиёт” мавзуида маъруза қилиб, бугунги кунда ҳамюртларимизни ташвишлантираётган долзарб масалаларга тўхталди.

У сув тошқини қозоғистонликлар учун синов бўлганини, халқ яна бир бор бирлик ва ҳамжиҳатлик руҳини намоён этганини таъкидлади. Президент табиий офат содир бўлган ҳудудларга ёрдамга борган ҚХА аъзолари, этномаданият бирлашмалари вакиллари, тадбиркорлар ва кўнгиллиларига миннатдорчилик билдирди. Сув тошқини оқибатида жабрланган вилоятларнинг аҳолисига ёрдам кўрсатиш давом этмоқда.

Президент ҚХАнинг институционал салоҳиятини ривожлантириш, унинг давлат органлари, Парламент ва маслаҳатлар билан ўзаро алоқасини кучайтириш зарурлигига эътибор қаратиб, соҳага алоқадор вазирлар ва ҳокимларга ҚХА қошидаги оқсоқоллар ва оналар кенгашлари фаолиятини жонлантириш, жумладан, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида тавсиялар берди.

Маърузада, айниқса, ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги, келгусида этномаданият бирлашмаларининг раислари ўзларига бир ўринбосарни ёшлар орасидан тайинлашини маслаҳат берди. Зеро, ёшлар келажак бунёдкорлари экани ҳақида кўп гапирилса-да, лекин амалда улар қўллаб-қувватланмай, турли баҳоналар билан жамоат ишларидан четлатилмоқда.

Шунингдек, Давлат раҳбари маънавият масалаларига тўхталар экан, қозоқ тилининг вақт ўтиб, этнослараро алоқа тилига айланишига ишонч билдирди.

“Ҳозирги мураккаб даврда элнинг бирлиги ва тотувлигини таъминлаш – муҳим вазифа. Биз жамиятга хавф соладиган ҳар қандай ҳаракатнинг олдини оламиз», деди у.

Фахриддин ҚОРАТОЕВ,
ҚР Парламент Мажлисининг VI, VII чақириқлардаги депутати, жамоат арбоби, “AMANAT” партияси аъзоси.

Тоҳир НИШОНБОЕВ:

КУЧ СУВ ТОШҚИНИ АСОРАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ҚАРАТИЛАДИ

Қозоғистонда 1996 йилдан буён нишонланиб келинаётган 1 Май – Қозоғистон халқининг бирлиги куни бу йил қандай нишонланади? Ҳар йили республикада яшовчи кўп миллатли халқни бирдамлик ва дўстликда бирлаштирган байрам тадбирлари ўтказиларди. 150дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона байроқ остида қўшиқ айтиб, рақсга тушардилар, миллий урф-одатларини намойиш этардилар ва ҳоказо. Бу йил-чи?

Шу ва бошқа мавзудаги саволларга Шимкент шаҳар ўзбек этно маданият бирлашмаси раиси Тоҳир Нишонбоев жавоб беради.

– Мамлакатимизнинг қатор минтақаларида оғир тошқин ҳолатини инобатга олиб, бюджет маблағларини тежаш мақсадида Давлат раҳбари барча давлат органларига йирик тадбирларни ўтказмасликни топширди. Шунинг учун йирик халқаро анжуман ҳам бекор қилинди, Жаҳон кўчманчилар ўйинларига ажратиладиган маблағ камайтирилди. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг Токиодаги Жаҳон кўргазмасида иштирок этиши учун ҳам бюджет қисқарди. Сув тошқини оқибатларини бартараф этиш, аҳолига етказилган зарарни қоплаш, инфратузилмани тиклаш, янги уй-жой қуриш, тошқин қурбонларига тўлов ва бошқа устуворликлар учун улкан бюджет керак, албатта. Шунинг учун анъанавий май байрамларини кенг нишонлаш ҳам тўхтатилди.

Президентнинг юқоридаги топшириғига амал қилиб, биз ҳам режаларимизни ўзгартирдик. Имкон қадар, бюджет талаб этмайдиган, ихчам тадбирлар ўтказмоқдамиз. Жумладан, 28 апрель куни Шимкент шаҳридаги А. Асқаров номидаги дендробоғда “Бирлик” югуриш марафонини ўтказдик. Бу тадбирда каттаю кичик бирдек югуриш имконига эга бўлди. Мақсад – аҳолини ва ёш авлодни соғлом турмуш тарзига риоя қилишга ўргатиш. Шимкент шаҳар ички сиёсат ва ёшлар ишлари бошқармаси, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, этномаданият бирлашмалари раислари, Ассамблея ёшлари, жами 300дан зиёд киши иштирок этди.

– Шимкент шаҳрида қанча этномаданият бирлашма фаолият юритади ва ҳаммаси ҳам югуриш марафонида фаол иштирок этдими?

– Шаҳримизда бугунги кунда 120дан зиёд этнос вакиллари истиқомат қилади. Улар дўстлик ва бирликни тараққий эттиришга беқиёс ҳисса қўшиб, эл-юрт мустаҳкамлигига хизмат қилаётган 17та этномаданият бирлашмаси остида бирлашган. Югуриш марафонига этномаданият бирлашмалар қошидаги “Ёшлар қанотлари” аъзолари фаол иштирок этишди. Улар шаҳар ёшларини бирлаштириш, ватанпарварлик руҳини кучайтириш, эл-юрти ва халқини ҳурмат қилишга даъват этиб келади. Давлат раҳбари оммавий спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда шаҳар ёшлари ва ўсмирлар ўртасида спортни ривожлантириш, улар сонини кўпайтириш ишлари кучайтирилган. Бугунги кунда шаҳарда 513 мингдан (42,2 фоиз) зиёд киши мунтазам равишда спорт билан шуғулланади, 543та спорт майдончаси аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

– Тошқин рўй берган ҳудудларга ёрдам беришда давом эттириладими?

– Ҳа, бу хайрли ишни бир кун тўхтатмадик. Ҳали ҳам юборяпмиз, охиргиси ўтган жума куни Ўрал шаҳрига етиб борди. Ҳозир ҳам одамлар хайр- эҳсонларини олиб келиб туришибди. Бу йўналишдаги ишларимиз давом этади.

– Ватан ҳимоячилари ва Ғалаба кунига бағишлаб қандай тадбирлар ўтказмоқдасизлар?

– Ҳар йили бу саналарни кенг нишонлардик, бу йил энди аҳвол маълум. Концерт дастурларини тўхтатдик. Фақат Ғалаба куни муносабати билан уруш қатнашчиларининг уйларига бориб, табриклаймиз, холос. Шаҳарда атиги 2 нафар фронт қатнашчиси қолган экан. Улар – 99 ёшдаги Муратали Тўлепбергенули ва 100 ёшли Нина Мосунова. Ҳокимликда УВУ қатнашчиларига 2 миллион тенгеден пул берилади, дейилмоқда. Бундан ташқари, фронторти меҳнаткашлари ва уларга тенглаштирилган шахсларга эҳтиром кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Бу йили Афғон урушида қатнашган фахрийларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ғалаба кунида уларни ҳам табриклаш йўлга қўйилган. Бу йўналишда қатор чора-тадбирларни режалаштирганмиз.

– Суҳбат учун раҳмат.

Н. МАВЛОНОВА.

Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!

ҚАРНОҚ ҚИШЛОҒИ МАКТАБЛАРИДА

“Жанубий Қозоғистон” вилоят газетасининг фаол жонкуярлари – вилоят оқсоқоллар кенгаши раиси ўринбосари Тўлқин Саидмуродов ҳамда Кентов шаҳар маслаҳати депутати Бекзод Ҳабибовлар ҳамроҳлигида Қарноқ қишлоғидаги умумтаълим мактабларига бордик.

Достон Абдалиев раҳбарлик қилаётган таълим даргоҳига Тўлқин Саидмуродов Тошкент шаҳрига сафари чоғида олиб келган адиб Одил Ёқубов ҳаёти ва фаолиятига оид ноёб ҳужжат ва суратларни топширди. Обуна хусусидаги таҳририят мактубини директорга топшириб, она тилимиздаги давлат нашри моҳиятини яна бир карра батафсил тушунтирдик. Мактаб ҳовлисида шу даргоҳни бунёд этган тадбиркор Ержан Мустафаев, муаллим Султонбек Рашидовлар билан мулоқотда бўлдик.

Насиб этса, келгуси кузгаги Билимлар куни тантанасига қадар мактаб таъсисчилари ушбу ўқув даргоҳига Одил Ёқубов номини бериш борасидаги ҳужжатларини тўлиқ расмийлаштирадилар. “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси таҳририяти саъй-ҳаракатлари ила вилоят ономастика комиссияси, Кентов шаҳар ҳокимликларига расмий ҳужжатлар тақдим этилиб, ижобий жавоблар олинган. Бу ишда ҚР Ёзувчилар уюшмаси котиби Қулбек Ергўбек билан бирга Тўлқин Саидмуродов ҳамда Бекзод Ҳабибовларнинг ташкилий хизматлари беқиёс.

“Қарноқ” умумтаълим мактабидаги мулоқот чоғида директор Мансур Матмусаев обунани ҳар қачонгидек қўллаб-қувватлашини баён этди. “Чоштепа” умумтаълим мактаби директори Мансур Акешов сафарда эканлиги боис телефон орқали мулоқотда қадрдон нашр обунасига ташкилий кўмак албатта кўрсатилишини айтди.

Артур Асоев раҳбарлик қилаётган Маҳмуд Қошғарий номли мактаб кутубхонаси ходимлари Саноат Мирзаҳмедова билан Саида Отаметовалар ўзбек тилидаги бадиий адабиётлар билан таъминлашда ёрдам даркорлиги хусусидаги мурожаатини қўнғироқ қилиб, ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти раиси Икромжон Ҳошимжоновга баён этдик. Икром Акром ўғли аввалги йилларгидек барча мактаб кутубхоналарини бадиий адабиётлар билан таъминлаш устида тўхтовсиз иш олиб борилаётганини таъкидлади.

Ушбу кутубхонада давлат таълим лойиҳаси асосида рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Гулнора Файзиметованинг шогирдлари билан УВУ мавзуидаги машҳур Волоколамск шоссесини душмандан ҳимоялаш – ватанпарварлик руҳида тарбиялашга бағишланган тадбири арафасида мулоқотда бўлдим.

Тадбиркор Тўлқин Бобохонов билан қишлоқ ободончилиги, тарихий обидаларни таъмирлаш мавзуида суҳбатлашиб, режаларни белгилаб олдик. Макка-Мадинага умра ҳаж сафари чоғида чин дунёга отланган Шомуҳаммад Зайниддин ўғли хонадонига бориб Қуръон тиловат қилдик. Қорачиқ қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Мирзахон Адҳамов бир гуруҳ ҳамқишлоқлари ҳамроҳлигида биз билан бирга хонадон соҳибларига ҳамдардлик билдиришди. Қарноқлик муштарийларимиз “Жанубий Қозоғистон” газетасининг вилоят миқёсида белгиланган 14500 нусхалик режаси ижросига муносиб ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Одил Ёқубов номи бериладиган мактабда;

М. Қошғарий номли мактаб кутубхонасида; муаллима Гулнора Файзиметова шогирдлари билан ватанпарварлик тадбирида.

Муаллиф суратга олган.

Бирлик неъматининг баракаси мўл

Жорий йили Мустақил Қозоғистон давлати 33 йиллигини нишонлайди. Хусусан, Туркистон вилояти ташкил топганига 6 йил тўлади. Жуда кўп ютуқлар, самарали натижаларга эл бирлиги, тотувлиги шарофати ила қийинчиликларни енгиш орқали эришганимизни фахр билан таъкидлайман. Шимолий вилоятлардаги тошқин офатидан зарар кўрган ҳамюртларимизга "Юракдан-юракка" тадбири доирасида вилоятимиздан жами 46 млн. тенгелик маҳсулот жўнатилди.

Қозоғистон халқи бирдамлиги куни билан "Жанубий Қозоғистон" вилоят газетаси орқали барча муштарийларимизни самимий муборакбод этаман. Фурсатдан фойдаланиб, 2024 йилнинг иккинчи ярмига барча нашрлар қаторида она тилимиздаги "Жанубий Қозоғистон" газетасига фаол обуна бўлишга даъват этиб, шахсан 100 нусхага ҳомийликни зиммамга оламан ҳамда барча қадрдон дўст, раҳбарларни маънавий масъулиятимизни адо этишга чорлайман.

Олдимиздан оқаётган сувнинг қадрига етайлик, азизлар. Байрам муборак!

Баҳодир ИРИСМЕТОВ,
Туркистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси,
Қозоғистон халқи Ассамблеяси аъзоси.

Бирдамлигимиз барқарор бўлсин!

Мустақил давлатимиз учун халқ бирлиги, тинчлиги ва тотувлиги ички сиёсатнинг асосий тамойиллари, барча ютуқ ва ғалабаларимизнинг пойдеворига айланди.

Ишончим комилки, ҳар қандай қийинчиликларни фақат биргаликда, тинчлик ва ҳамжиҳатликда енгамиз ва Қозоғистонимиз янада қудратли ва тараққий этган давлатга айланади.

Ушбу байрам кунида сизга ва яқинларингизга сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, Ватанимизга фаровонлик тилайман!

Барчангизни 1 Май – Қозоғистон халқи бирдамлиги куни билан самимий табриклайман.

Барқарорлик ва ҳамжиҳатлик бизнинг барча ютуқларимиз ва ғалабаларимизнинг пойдеворидир.

Бахтиёр АНОРМЕТОВ,
Сариоғоч туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси.

Қарноқдан табрик йўллайман

2000 йилдан зиёд тарихи мавжуд кўҳна Қарноқ қишлоғи ўзбек этномаданият бирлашмаси номидан ҳамюртларимизни Қозоғистон халқи бирдамлиги куни билан самимий муборакбод этаман.

Тошқиндан зарар кўрган фуқароларга биз ҳам баҳолиқудрат ёрдам кўрсатиб, бу хайрли ишга муносиб ҳисса қўшдик.

Қишлоғимиздаги янгидан барпо этилган умумтаълим мактабига жаҳонга таниқли ҳамюрт-адиб Одил Ёқубов номини бериш тадбирлари тўлиқ якунланди. Янги ўқув йилини мактаб янги ном билан бошлайди. Шу хайрли ишга камарбаста бўлганларга, хусусан, "Жанубий Қозоғистон" газетаси таҳририятининг холис ёрдамига самимий ташаккуримни изҳор этаман.

Обунага шахсан ўзим 20 нусха ҳиссамни қўшиб, мактаблар, боғчалар, касалхоналар жамоаларини даъват этишни давом эттираман.

Бекзод ҲАБИБОВ,
Кентов шаҳар маслаҳати депутати,
Қарноқ қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси,
Қозоғистон халқи Ассамблеяси аъзоси.

ЭЛГА ЕЛКАДОШЛИК БАХТИ

Ҳар йили Қозоғистон халқи бирлиги куни арафасида Қозоғистон халқи Ассамблеясининг сессияси ўтади. Анъанага кўра, жорий йилда ҳам Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев иштирокида Ассамблеянинг XXXIII сессияси муваффақиятли ташкил этилди. Ассамблея аъзоси сифатида мазкур тадбирни ҳар йили тоқатсизлик билан кутаман. Чунки, Давлатимиз раҳбари унда халқимиз келажаги, юртимиз равнақи учун аниқ қарорлар қабул қилади. Жорий йилгиси ҳам бундан мустасно бўлмади.

Чунончи, Юртбошимизнинг ҳар бир сўзи қозоғистонликларнинг қалбига етиб борди.

Навбатдаги сессияда Давлат раҳбарининг нутқи барчамизни чуқурроқ изланишга, самарали меҳнат қилишга чорлади.

Сессияда сўзга чиққан Республика тожиклари этномаданият бирлашмалари раиси Акбаржон Исмоилов, ҚХА раиси ўринбосари, Қозоғистон корейслари ҳамжамияти президенти Юрий Шин, Жетису вилояти «Дўстлик уйи» директори Руфина Усановаларнинг Давлат раҳбарига билдирган ташаккури, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат, ёшларга ғамхўрлик тўғрисидаги фикрларига тўлиқ қўшиламан. 25 йилдирки, мен шаҳар аҳолисини ун маҳсулотлари билан таъминлашда фаол иштирок этиб келаман. Астанага тенгдош корхонамнинг фаолиятидан шаҳарликлар ҳам мамнун. Энг асосийси, фаолиятимни бошлаган кундан даромадимнинг ярмини хайрия ишларига сарфлаяпман. Асосан Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, ногиронлар, кам таъминланган, кўп болали оилалар қамраб олинади.

Жорий йилда Шимолий минтақаларда юз берган сув тошқинлари туфайли Қозоғистон ҳудудининг ярми сув остида қолди. Мамлакатимизнинг бузилмас бирлиги мана шу оғир кунларда яққол намоён бўлди. Қутқарувчилар, кўнгиллилар, давлат хизматчилари, аскарлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, маҳалла фаоллари, тадбиркорлар, ёшлар – барчаси жамулжам бўлди. Ҳеч ким умумий ишдан четда қолмади. Бутун мамлакат бўйлаб жамиятнинг барча вакиллари қутқарув ва тошқиннинг асоратларини бартараф этиш тадбирларига бирдек сафарбар этилди.

«Халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, юксак фуқаролик масъулияти ана шу даврда яққол намоён бўлди. Қатор вилоятлар инфратузилма ва бузилган уйларни тиклашга киришди. Бу ишда йирик бизнес вакиллари ёрдам бермоқда. Мамлакатимиздаги компаниялар ва хусусий тадбиркорлар томонидан турли хайрия жамғармаларига катта миқдорда маблағ ажратилди», дея, тадбиркорларга миннатдорчилик билдирди ва келажакда халқимиз фаровонлиги йўлида ҳамкорлик қилишимизга ишонч билдирди. Давлатимиз раҳбарининг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Ҳасан ШАРИПОВ,
Қозоғистон халқи Ассамблеяси аъзоси,
республика ўзбек этномаданият бирлашмалари "Дўстлик" ҳамжамияти раисининг ўринбосари.

Мустақил Қозоғистон бугунги кунда дўстлик ҳамда ҳамжиҳатлик ҳукм сураётган заминдир. Давлатимизнинг миллатлараро тотувлиги мустаҳкам бирликка асосланган. Юртимизда олиб борилаётган доно сиёсат туфайли республика ҳудудида кўплаб миллат вакиллари тинч-тотув ҳаёт кечиришмоқда. Ҳар йили баҳор билан бирга келадиган Қозоғистон халқининг бирлиги куни вилоятимиздаги 20та этномаданият марказларининг тили, урф-одатлари ҳамда маданияти кунларига уланиб, тинчлик тимсолини барқарорлаштириш билан ҳам ажралиб туради.

Байрам арафасида Сайрам туман турк этномаданият бирлашмаси раиси Хусейн ПАЗАЕВга саволлар билан мурожаат қилдик.

"БАХТ ҚАЙГА БОРАСАН – ТОТУВЛИККА БОРАМАН!"

– Туман турк этномаданият маркази фаолияти ҳақида гапириб берсангиз?

– Бирлашмага 1990 йилда Яша Чилингаров раҳбарлигида асос солинган. 2015 йилдан буён мен раҳбарлик қилиб келяпман. Йил давомида тасдиқланган режа асосида байрамлар, тадбирлар, шанбаликлар, хайрия тадбирлари ўтказиб келинади.

– Туманда қанча турк миллати истиқомат қилади?

–Сайрам туманининг Қорасув, Жибек жўли, Қорамурт, Манкент, Оқбулоқ, Самсоновка, "Жана Турмис" аҳоли манзилларида жами 4530 нафар миллатдошларимиз яшайди. Уларнинг кўпчилиги таълим, соғликни сақлаш, тадбиркорлик соҳасида фаолият юритади.

– Мустақил Қозоғистон тараққиётига қўшаётган ҳиссангиз салмоқли, марказнинг фаол аъзолари ҳақида айтсангиз?

– Бирлашмамизнинг фаол аъзоси, шоир, журналист Иброҳим Ҳуккиев хонадонида уй музейи ташкил этилган. "Орзу", "Севинч" миллий чолғу асбоблари ва "Ахиска" рақс дастаси туман миқёсидаги турли тадбирларда фаол иштирок этиб келади. Хотин-қизлар қўмитаси раисаси Гулмира Умарова раҳбарлигида миллий таомлар танлови, сумалак сайли, "Хина туни" каби тадбирлар уюштириб турилади. Спорт соҳасида ҳам қатор чемпионлар Қозоғистон байроғини юксакларда ҳилпиратиб, миллат шарафини ҳимоя қилиб келишмоқда. Шарафуддин Ҳуккиев мураббийлигида А. Сатоев, Я. Фазаев, Р. Пазаевлар юнон-рим кураши бўйича Қозоғистон чемпиони бўлишган. Пакиза Лапаева раҳбарлик қилаётган ўқув маркази хориж мамлакатларидан таълим олишни истаган талабалар билан иш олиб боради. Туркия давлатида таҳсил олаётган талабалардан Аслан Пазаев (меъморчилик), Армида Умарова (ижтимоиятшунослик)лар шулар жумласидан. Шунингдек, Халқаро Қозоқ-Турк университетини тамомлаб, Туркияда малака ошираётган уролог-шифокор Зокир Фазаев олган билим ва тажрибасини элимиз саломатлиги йўлига бағишлашни кўзламоқда. Ёшлар қўмитаси раиси Мариф Сараджиев, спорт тўгараги мураббийлари Шайиддин ва Камалис Умаров, бирлашма оқсоқоллар қўмитаси раҳбари Яша Чилингаров, бийлар Рамазан Ламаев, Бакир Фазаев турк этномаданият бирлашмасининг фаол аъзоларидан. Улар билан биргаликда жуда кўплаб хайрли ишларни амалга ошириб келяпмиз.

– Хабарингиз бор, республикамизнинг шимолий вилоятлари сув тошқинидан жуда катта талафот кўрди.

– Албатта, биз ҳам "Юракдан – юракка" республика акцияси доирасида ишбилармон, сахий тадбиркорлардан – Б. Айдинов, Р. Шамсуддинов, Р. Лапаев, И. Саражиев, Р. Саражиев, И. Гачиев, Н. Айдинов, И. Кулаев, И. Лапаев ва бошқалар ҳомийлигида сув тошқинидан талафот кўрган қардошларимизга 3 млн. тенгелик инсонпарварлик ёрдамини жўнатдик.

– Байрамга тилакларингиз?

– Тинчлик – барчамизнинг эзгу мақсадимиз. Шу туфайли ҳар биримиз куч-ғайратимизни Қозоғистон номли умумий уйимизни юксалтириш, гуллаб-яшнашига сарфлайлик. Тотувлигимизга раҳна, кўнгилларимизга ғубор қўнмасин. Барча ҳамюртларимизга бахт, мустаҳкам сиҳат-саломатлик, муваффақият тилаймиз! Бирлик, тотувлик, иноқлик, дўстлик байрами муборак бўлсин!

Мухтабар УСМОНОВА.

Бирлиги мустаҳкам элмиз

Қозоғистон халқи бирдамлиги куни арафасида Тўлебий туманидаги славян, немис ва турк этномаданият бирлашмалари раисларини суҳбатга чорладик.

Светлана ШИШКИНА, туман славян этномаданият бирлашмаси раисаси:

– Миллатлараро тотувлик ғояси – жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир. Эътиборли жиҳати шундаки, бугунги кунда мамлакатимизда яшаб келаётган турли миллатларни ўзаро ҳамжиҳатлик, бирбирини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш истиқлол мафкурасининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Шуларни эътиборга олган ҳолда кутубхонамиз жамоаси тинчлик ва тотувлик мавзуида ижтимоий тармоқларда танловлар уюштириб, китобхонлик кечаларини ўтказмоқда.

Лидия МЕХЛИК, туман немис этномаданият бирлашмаси раисаси:

– Аввало, Бош Қомусимизга бағрикенглик тамойили киритилди. Конституцияга мувофиқ миллатидан қатъиназар, мамлакатда муқим яшаётган кишилар Қозоғистон фуқароси саналиб, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, жинси, жамиятдаги мавқеига боғлиқ бўлмаган ҳолда бир хил ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга эга ва қонун олдида баравар жавобгардир.

Иккинчидан, миллатлар такомили ва равнақига кенг имконият яратилган. Шунинг натижаси ўлароқ, юртимиздаги турли миллат вакиллари мустақилликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий-демократик давлат тамойилига мос фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Юртимиз бошига оғир кунлар тушиб, Шимолий вилоятларда сув тошқини юз берганида ҳам этномаданият бирлашмалари ҳамжиҳатлик намунасини кўрсатиб, хайрия карвонларини уюштирмоқда.

Мухтазим ТОИРОВ, турк этномаданият бирлашмаси раиси:

– Давлатимиз раҳбари «Қозоғистоннинг бойликлари кўп, лекин энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз – жамиятимизнинг тинчлиги, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир», дея ботбот такрорлайди. Дарҳақиқат, дунё саҳнига бир эътибор беринг. Турли можаролар, уруш-низо, қўпорувчилигу зиддиятлар. Гўё замин оловли бир ўчоққа айланиб қолгандек. Шуларни ўйлаганда тинчлик, тотувлик нақадар буюк неъмат эканлигига яна бир бор имон келтирасан, киши.

Қолаверса, юртимизда хотиржам, баҳамжиҳат яшаётган юздан зиёд миллат ва элатлар бирдамлигининг узоқ тарихий илдизлари мавжуд. Минг йилликлар мобайнида Буюк Ипак йўлида жойлашган мамлакатимиз савдо-сотиқ, маданият, илм-фаннинг маркази ҳам саналган. Бағрикенглик, меҳмондўстлик, ўзга халқлар маданияти ва динини ҳурматлаш каби ижобий фазилатлар ҳар томонлама шаклланган. Шу боис турли урф-одат ва анъаналар бақамти ривож топиб келган.

Қозоғистон – Туркия савдо-иқтисодий алоқалари ривожланмоқда. Бошқа жабҳалар қатори маданий-гуманитар йўналишдаги алоқаларни алоҳида эътироф этиш жоиз. Президентимиз Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг бу юртга расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш имконини берди.

Қайси мамлакатда тинчлик, хотиржамлик ҳукмрон бўлса, ўша ерда фаровонлик, барака ва ривожланиш бўлади. Ниятимиз эса битта, боболару момоларимиз айтганидек, юртимизга кўз тегмасин.

Б. ДЎСМАТОВА.

Маънавий пойтахтнинг масъулияти юксак

Туркистон шаҳри туркий олам ҳамда жаҳон сайёҳлик маркази сифатида тараққий этмоқда. Шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмасига раис бўлиб сайланганимга бир ярим ойдан ошди. Маънавий пойтахт масъулияти юксак. Шу давр мобайнида бирлашма қошида оқсоқоллар, санъаткорлар, ёшлар ва бошқа кенгашлар тузилиб, кўпчилик билан бамаслаҳат ҳолда раҳбарлар сайланди. Фольклор даста учун кўҳна мусиқа асбоблари, миллий либослар харид қилинди. Шаҳар ҳокимлиги ички сиёсат ва таълим бўлимлари билан ҳамкорликда жамоаларда, мактабларда йиғилишлар ўтказилиб, долзарб масалаларга доир тарғибот ишлари юритилмоқда. Мақсадимиз – тинчлик, тотувлик, она тилимиз ва маданиятимиз равнақи. Сув тошқинидан зарар кўрган ҳамюртларимизга бағишланган тадбирда фаол иштирок этдик. Ўринбосарим Ҳусан Маҳкамбоев шахсан делегация таркибида жабрланганларга моддий ёрдамни топшириб келди.

"Жанубий Қозоғистон" газетаси – қадрдон нашримиз. 2024 йилнинг иккинчи ярмига 200 нусха газетага обунани ташкил қилиб, умумхалқ ишига ҳисса қўшаман. Байрам муборак, ҳурматли ҳамюртлар!

Райимжон ҚЎЧҚОРОВ,
Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси,
Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси.

Бирлик ва ҳамжиҳатлик – тараққиёт кафолати

Давлатимиз раҳбари Қ. Тўқаев ҚХАнинг XXXIII сессиясида "Бирлик. Бунёдкорлик. Тараққиёт" мавзуида маъруза қилди. У сув тошқинидан жабрланган аҳолига давлат томонидан ёрдам кўрсатилиши бугунги кундаги долзарб масала эканини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, ёшларни жамоат ишларига жалб этиш, этномаданият бирлашмалари раисларига бир ўринбосарни ёшлар орасидан тайинлашни маслаҳат берди. Чунончи, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги фикр-мулоҳазалари ҳам эътиборлидир.

Давлат раҳбари маънавият масалаларига тўхталар экан, қозоқ тилининг вақт ўтиб, миллатларни бирлаштирувчи тилга айланишига ишонч билдирди.

Ҳа, келажак ёшлар қўлида. Уларни ватанпарвар, меҳнатсевар, билимли ва камтарин қилиб тарбиялашимиз жоиз. Жорий йилда ҳам туман ўзбек этномадният бирлашмаси томонидан ёшлар иштирокида элга таниқли, обрў-эътибор қозонган ҳамюртларимиз иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари ва анжуманларни ўтказиш режаланган.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳамюртларимизни 1 май – Қозоғистон халқи бирдамлиги куни байрами билан самимий қутлайман!

Ғанишер РАИМҚУЛОВ,
Сайрам туман маслаҳати депутати, туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси.

Давлат сиёсатини қўллаб

Собиқ Туркистон, ҳозирги Саврон тумани қишлоқларидаги ҳимматли фаолларимиз номидан юртдошларимизни бирдамлик ва Буюк Ғалаба байрамлари билан самимий муборакбод этаман.

Жорий йилда Ғалабанинг 79 йиллиги нишонланади. Бу байрам барчамизга тинч ҳаёт нечоғли қадрли эканлигини, шу йўлда ҳар биримиз дўстлик, тинчлик, тотувлик неъматига муносиб ҳисса қўшишимиз даркорлигини яна бир карра эслатади. Тошқиндан зарар кўрган ҳамюртларимизга барча қатори Саврон туманидаги тадбиркорлар, айниқса, мебелсозлик корхоналари жамоалари муносиб ҳисса қўшганлигини фахр билан таъкидлаб, уларга миннатдорчилик билдираман.

Ютуқларимизни кўз-кўз қилиб муаммоларимизни ҳал қилишда кўзгу вазифасини ўтайдиган "Жанубий Қозоғистон" газетаси обунасига шахсан 25 нусха кўрсаткич билан ҳисса қўшиб, туманимизнинг барча мактабларидаги тарғибот ишларига имкон даражасида кўмак кўрсатмоқдаман. Бахт-саодат, омад барчага ёр бўлсин!

Қурбонбой ИРИСБЕКОВ,
Саврон туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси,
Саврон туманининг фахрий фуқароси.

Сўзоқликлар номидан самимий табрик

Жамиятимиз жадал тараққий этмоқда. Эришилаётган ютуқлар мўл. Бу – эл бирлиги, тотувлиги йўлидаги кўпчиликнинг саъй-ҳаракатлари мевасидир. Борига барака, йўғига сабр деймиз. Ҳурматли ҳамкасб оғамиз Ирисбой Болтабоевдан кейин мен туман марказига раислик қилмоқдаман. Тошқиндан зарар кўрган фуқароларга баҳоли қудрат ёрдам кўрсатдик. Фуқаролик бурчимиз, бу. Барча ютуқларимизни ёритаётган минбаримиз "Жанубий Қозоғистон" вилоят газетаси обунасини жорий ярим йилликда А. Навоий номли мактаб директори Нурмуҳаммад Болтабоев, ўринбосари Султонбой Рўзиметов, кутубхоначилар, устозлар, коллеж, шифохона ва бошқа жамоалар ҳамжиҳатлигида ташкил этдик. Бу хайрли иш давом этаверади. Бирдамлик байрами муборак бўлсин, қадрли ҳамюртлар!

Муҳаммаджон БОБОЕВ,
Сўзоқ туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси,
Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.

Осмонимиз мусаффо бўлсин!

Қадрли ҳамюртлар!

Сизларни 1 Май – Қозоғистон халқининг бирлиги куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Барчамизнинг энг катта орзуимиз бирлик ва аҳилликда умр кечириш. Ватанимизда тили ва динидан қатъиназар, ҳар бир миллат вакилларининг урф-одатларини сақлаш учун барча шароитлар яратилган. Мамлакатимизнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш, унинг равнақига муносиб ҳисса қўшиш, тотувлик ва бирлик байроғини юксакларга кўтариш – ҳар биримизнинг асл мақсадимиз ҳамда фуқаролик бурчимиздир.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлиб, тинч-тотув ва аҳилликда фарзандлар камолини кўриш барчамизга насиб этсин!

Мирсобир МИРАЗИЗОВ,
жамоат фидойиси.

Ҳамжиҳатликда ҳикмат кўп

Кентов шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмасига раҳбарлик қилаётганимга икки йилдан ошди. Асосий мақсадимиз – эл бирлиги, она тилимиз, маданиятимиз ва урф одатларимиз. А. Навоий таваллудига бағишланган тадбирлардан эътиборан барча анжуманларда фаол иштирок этишни истаймиз.

Сув тошқинидан зарар кўрганларга ёрдам акциясида иштирок этганимиздан мамнунман. Зеро, "Юракдан – юракка" акцияси барча этнос ва миллий маданият марказларини умумий мақсад йўлида бирлаштирди. Қийинчиликларни енгиш йўлида қудратимизни намойиш этдик.

"Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси барча тадбирларимизни фаол ёритмоқда. Обунани пухта ташкил қилиш – биринчи даражали бурчимиз. Шаҳардаги мактаблар, касалхоналар, боғчалар жамоалари билан тарғибот ишларини юритмоқдамиз. Бирдамлик байрами билан ҳамюртларимизни табриклаб, яхшиликни мақсад тутган барчанинг ниятлари ижобат бўлишини тилайман.

Санобар САМИЕВА,
Кентов шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раисаси,
Кентов шаҳрининг фахрий фуқароси.

Коллежнинг фахрий устози

Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғидаги Д. Қўнаев номли аграр-техника коллежида ўз касбига содиқ, фидойи устозлар меҳнат қилишади. Шулардан бири, жонкуяр ва шижоатли устоз-мураббий Зодибек Бегмантоев(тасвирда)дир.

У 1962 йил 1 май куни Қорабулоқ қишлоғида таваллуд топган. Зодибек Бекпўлат ўғли Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1983 йили бошлаган устознинг мазмунли ҳаёт йўли Д. Қўнаев номли аграр-техника коллежи билан чамбарчас боғлиқ. У 40 йилдан буён севган касбини ардоқлаб, ёшларга таълим ва тарбия бериб келмоқда.

Устознинг шогирдлари бугунги кунда турли жабҳаларда хизмат қилишмоқда. У ёшларга ҳунар ўргатиш баробарида, улар қалбига одамийлик, инсонпарварлик, меҳр-мурувват туйғуларини сингдирди.

Меҳрибон ва ардоқли устозни таваллуд куни билан қутлаймиз. Сиҳат-саломатлик, оиласига тинчлик ва барака ато этишини тилаб қоламиз.

Ушбу кун тилаклар уммон – бир олам,
Унда йўқ асло ғам, ташвиш ва алам.
Дунёда тилаклар бўлганда ҳам жам,
Сиз учун, барибир, бор тилаклар кам.
Баҳор чечаклари бўлсин армуғон,
Сиз нурли инсонсиз, бахтли бегумон...

Малоҳат МУСАЕВА,
муаллима.

Заковатли ёшлар – келажагимиз

АДАБИЁТ БАЙРАМИ НИШОНЛАНДИ

Сайрам туманининг Орис қишлоғидаги Т. Рустемов номидаги мактаб-лицейида "Бутунжаҳон китоб ва муаллифлик ҳуқуқи куни" муносабати билан мактаб ва Хўжақўрғон қишлоқ кутубхоначилари ҳамкорлигида ўқитувчилар орасида "Китоб ўқиш" мавзуида мусобақа уюштирилди.

Мақсад – ўқитувчиларнинг ижодий салоҳияти ва касбий маҳоратини ривожлантириш, китоб мутолаасига қизиқишини ошириш, ижодий изланишларини рағбатлантириш эди.

Мусобақа уч босқичдан иборат бўлиб, дастлаб иштирокчилар ўзини таништиришди, шунингдек, ўқиган китобларини ҳикоя қилиб, қисқа саҳна кўриниши намойиш этилди. Танловда 9 нафар ўқитувчи иштирок этди.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари – Орис қишлоқ клуби раҳбари Гавҳар Насриддинова, шоир ва ёзувчи Соатой Камол қизи, Орис қишлоғи кутубхоначиси Шаҳзода Ортиқовалар ғолиб ва совриндорларга ташаккурнома ва эсдалик совғаларини топширдилар.

Насиба ҚЎЧҚОРОВА,
Т. Рустемов номидаги мактаб-лицейи кутубхоначиси.
Шаҳзода ОРТИҚОВА,
Орис қишлоқ кутубхоначиси.
Сайрам тумани.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

"МЕҲР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР"

104-сонли Е. Юсупов номли умумтаълим ўрта мактабида шоир Муҳаммад Юсуф таваллудининг 70 йиллигига бағишланган адабий кеча ўтди.

Тадбирда ўзбек тили ва адабиёт муаллимлари Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижодига тўхталиб, унинг қаламига мансуб аксарият шеърлар таниқли хонандалар томонидан ижро этилаётганини қайд этишди.

Шунингдек, ўқувчиларга сўзнинг бадиий имкониятларидан маҳорат билан фойдаланиш, туйғулар тиниқлиги, самимийлик ва майинлик, руҳият манзараларини лўнда ва яққол ифодалай билиш Муҳаммад Юсуф шеърий услубининг етакчи хусусиятлари эканлигига тўхталдилар.

Тадбирда 6-синф ўқувчилари шоирнинг шеърларини ифодали ўқишди. Унинг шеърларига басталанган қўшиқларни мактабнинг мусиқа ўқитувчиси Аброр Маҳкамов маромига етказиб ижро этди. Бадиий ҳаваскорларимиз ажойиб рақсларини тақдим этдилар.

Тадбир сўнггида ташаббускорлари – камина ва мактаб кутубхоначиси Холида Мирқурбонова ҳамда иштирок этган ўқувчиларга мактаб маъмурияти томонидан миннатдорчилик билдирилди.

Мухтабар МИРЗАҲМЕДОВА,
ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

СПОРТ – МЕНИНГ ҲАЁТИМДА

Е. Юсупов номли 104-сонли ўрта мактабда инглиз тили фани ўқитувчилари Н. Миркаримова, М. Эрметова, В. Мирўсмонова, Ф. Абдуқаюмовалар ташаббуси билан "Sport in my life" ("Спорт– менинг ҳаётимда") мазуида 5-синф ўқувчилари ўртасида беллашув уюштирилди.

Мақсад – ўқувчиларни ҳар томонлама етук ва жисмонан соғлом инсон сифатида шакллантириш, ўқувчиларда инглиз тили ва спортга бўлган қизиқишларини янада ривожлантириш эди.

Тадбирда ўқувчилар бор маҳоратларини намоён этиб, инглиз тили ва спорт ўйинлари бўйича куч синашди. Улар бир-биридан қизиқ ва мураккаб вазифаларни осон ва уддабуролик билан бажаришди. Мусобақада болалар тезкор савол-жавоб, ақлий ҳужум ва кластерлар ёрдамида инглиз тилидан олган билимларини яна бир карра мустаҳкамлашди.

Тадбирни гуруҳлар жонкуярлари ва устозлар олқишлар билан қўллаб-қувватладилар.

Мусобақа сўнггида мактабимизнинг тарбиявий ишлари бўйича директор ўринбосари Г. Ирисова фаол гуруҳларга махсус совғалар ва дипломлар тақдим этиб, барча иштирокчилар ва ташкилотчиларга мактаб маъмурияти номидан миннатдорчилик билдирди.

Нилуфар МИРКАРИМОВА,
инглиз тили ўқитувчиси.

Нуқтаи назар

ЎҚИМИШЛИ АВЛОД – ДУНЁНИ ҚУТҚАРАДИ

Дунёдаги давлатлар, халқлар биринчи навбатда ўзининг заковат салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай енгилмас куч манбаи эса, аввало, инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти бўлмиш китобдир. Инсон тафаккурини юксалтириш, дунёқарашини кенгайтиришда унинг аҳамияти беқиёс.

Бугунги кунда ҳатто катталар ҳам, ҳатто болалар ҳам, ижтимоий тармоқларда бемаъни асарларни истеъмол қилишга ҳаддан ташқари тобе бўлиб қолган. Биз, биринчи навбатда, ёшларда китобхонликка меҳр уйғотишимиз керак. Шундагина китобхон давлатга айланамиз.

Қасим-Жўмарт ТЎҚАЕВ.

Асримиз муаммоси – ғарбга қараб янгиланишнинг бугунги воқелигимизга тўғри келмаслигининг сири нимада? Менимча, бош нуқсон – уларнинг ўзларигагина хос қолипи ва тажрибасини бошқа халқлар ҳамда маданиятларнинг ўзгачаликларини инобатга олмай, ҳаммага бирдай, ёппасига мажбурий равишда ўтказишида.

XXI аср – инсон ўзини ўзи имтиҳон қиладиган аср. Қуролнинг минглаб турлари, нур тезлигини ортда қолдирадиган ракеталар яратиляпти. Сезгимиз ҳаракатидан тезроқ ишлайдиган сунъий заковат, компьютерлар, тугмачадай гаплашиш ва ҳаракатли тасвир мосламалари кашф этилганига анча бўлди. Инсоният миясини турли ускуна ва микротўлқинли қурилмалар эгаллаб бўлди.

Фақат юрагимиз, ҳиссиёт ва сезгиларимизни тамаддун машинаси ютиб юбормасин. Бунга асло йўл қўймаслигимиз керак.

Шарқ – азалдан тамаддун бешиги бўлиб келган, бу – тарихдан маълум. Ватанимиз – Туронзамин аталмиш юрт инсоният тамаддуни ибтидоси эканлигининг тасдиғи – Шарқнинг ҳар қандай вазиятда ҳам руҳ гўзаллиги, тарбия, инсон қадр-қиммати ҳамма нарсадан устунлигини уқтириб келишидир. Шарқ доим инсон маънавиятининг тамаддун, бошбошдоқлик, хунрезлик, қирғинбарот комида азият чекишига қарши бўлиб келган.

Бунга Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино мероси, Темурийлар даври ғоялари, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобурнинг миллий ва умуминсоний ғоялар тўғрисидаги фикрлари гувоҳ. Шарқ ҳар қачон бунёдкор ғоялар тарафдори бўлган. Халқаро миқёсда кенг ёйилган шовинизм, терроризм, тажовузкор миллатчилик, фашизм ғояларининг бузғунчилик йўналишлари азалдан Ғарбга хосдир. Давлатимизда Мустақилликнинг илк йилларидаёқ жамият барқарорлигини таъминлашнинг ижтимоий асосларини яратишга киришилди.

Қозоғистон халқи Ассамблеясини ташкил этиб, миллий сиёсатнинг амалга оширилиши ва унда этник бирликлар манфаатлари ҳимоя қилинишининг ҳуқуқий ва ижтимоий негизлари – миллатлараро тотувлик, ҳамкорлик ва динлараро бағрикенглик тамойилларини илгари сурди.

Ҳозир баъзи давлатлар кўп нарсадан воқиф бўлса ҳам, қаёққа кетаётганини билмаяпти. Чунки, илгари ҳаётдаги ёвузликни бир кўрганда ажрата олардик. Бугунги кунда бу ёвузлик таддунлашиш ниқобига ўралиб олган. Ёвузликнинг бир қўлида турли қуроллар, бир қўлида мафкура. Мафкураси аллақачон одамларнинг ҳис-туйғусини ўлдириб бўлди. Натижада, илгари бирадарининг қўлига тикан кирса қалбида оғриқ сезадиган инсонлар ҳозир оғриқдан жони халқумига келган одамни кўриб, ҳузур қилишмоқда, лаззатланмоқда. Шунинг учун спортнинг бушидо тури шинавандалари сафи йилдан йилга кенгаймоқда. «Ўлим билан тугалланадиган жанг», деб ёзиб қўйса, қизиқувчилар янада ортади. Илгари ит ёки хўроз уриштириб, хумордан чиқадиган одамлар ҳозир полвонлар бир-бирининг оёқ қўлларини қандай синдираётганини мириқиб томоша қилишяпти. Хотин-қизлар ўртасидаги қоидасиз жанглар ҳам Ғарбнинг "кашфиёти". Бунақасини ўрта асрда яшаган ота-боболаримиз, ҳатто, тасаввур ҳам қилмаган.

Ёвузлик хонадонларимизга қандай кириб келаётганини билмай қоляпмиз. Фарзандларимизга қимматбаҳо телефон олиб бериб қўямизу, уларнинг интернетдан нима олаётгани билан ишимиз йўқ.

Керак бўлса, фарзандлар ота-оналарига телефонини ушлатишмайди ҳам. Натижада, Қозоғистон қонунлари тақиқлаб қўйган видеотасвирларни томоша қилиб ёки уларга бехосдан лайк босиб, темир тўрнинг ортига кетаётган ёшлар кўпаймоқда.

Интернетнинг ижтимоий тармоқларида ҳавасга одам ўлдираётганлар ҳам, сўйишаётганлар ҳам, бўғизлаётганлар ҳам, зўрлаб, қийноққа солаётганлар ҳам, қонига белаб, калтаклаётганлар ҳам беҳисоб.

Буни мен ахлоқсизлик сабоғи деб атаган бўлардим. Яъни, ахлоқсизлик бўйича маҳорат дарси. Бўридан-да ёвузроқ одамларни ижтимоий тармоқларда кўплаб учратасиз. Нафис туйғулар ўрнини инсоний ҳирс ва бадбинлик забт этмоқда. Бу эса ёшларимизнинг йўлдан чиқишига сабаб бўлмоқда.

Смартфон, айфон олиб бериб, фарзандларимизни ўз қўлимиз билан ёвузлик, разолат ва ахлоқсизлик ботқоғига улоқтираётганимизни қачон тушуниб етамиз? Беҳаёлик гулдай фарзандларимизни ўз домига тортиб, ёвузликнинг ғалаба қилаётганини қачон англаймиз? Ахир дунёда ёвузлик, ахлоқсизликнинг мавжудлигини бошқа йўл билан тушунтириш ҳам мумкинку, деб, ҳозир айрим тараққий этган давлатларда одамлар фарзандларини интернетдан "ажратиб", китоб билан ошно қилишмоқда. Чунки, бузғунчи ва ёвуз фикрлар вайронкорликни, жаҳолатни, урушни тарғиб қилади. Улар ижтимоийлашиб, жамиятдаги муайян гуруҳлар, қатламлар онгига таъсир қилиш, ёвузлар манфаатларини ифодалайдиган ғояга айланиши жамиятда беқарорлик муҳитини вужудга келтириб, одамлар бошига мислсиз кулфатлар, бахтсизликлар солиши мумкин. Масалан, ақидапарастлик, миллатчилик, буюк давлатчилик шовинизми, экстремизм, халқаро терроризм бунга яққол мисолдир.

"Бир пайтлар ЦК (Коммунистик партия Марказий қўмитаси назарда тутилмоқда) шоира Анна Ахматова билан ёзувчи Михаил Зошченконинг ижодини қоралаб, махсус қарор чиқарди. Катта йиғинда мен ҳам ана шу қарорни қўллаб-қувватладим. Кечқурун уйда отам сўраб қолди: "Сен уларнинг асарларини ўқиганмисан, ўзи?". "Йўқ". "Унда ижодлари ҳақида хулоса чиқаришга нима ҳаққинг бор?!", деди Расул Ҳамзатов бир мусоҳабада. Қадимда оталар фарзандларига шундай тарбия беришган.

– Оға, юз тенге садақа қилинг, бошим оғриб турибди. Ақтўбедан келаётган эдим, йўлда пулимни олдириб қўйдим, – деди йўлда уст-боши расво бир йигит.

– Юз тенгени нима қиласан? – сўрадим мен.

– Юз тенгем бор, шунга қўшиб, «бош оғриғи»ни ёзаман, – жавоб берди у.

– Боламга китоб сотиб олмоқчи эдим, шунга юз тенге етмай турибди, деб сўраганингда, берардим. Заҳар ют, деб берайми? – деб, гапни қисқа қилдим.

Бўш вақтини чойхона ва тамаддихоналарда ўтказиб, ўғли ёки қизига битта китоб олиб беришга пулини қизғанадиган ота-оналарни мен ўша пиёнистага ўхшатаман.

Давлатимиз раҳбари жорий йилги Халқаро китоб кунида мутасаддиларга Қозоғистонда Китоб байрамини жорий этишни топширди. Китоб, аввало, ёш авлод онгу шуурида она тилига ҳурмат ва эҳтиром, ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат, унинг тақдири учун дахлдорлик, фидойилик туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришнинг асосий омилларидан бири эканини таъкидлаб, ижтимоий тармоқларга берилиб кетмасдан, таниқли ёзувчилар ва айрим файласуф ҳамда мутафаккирларнинг асарларини ўқишни маслаҳат берди.

– Инсонни икки нарса шакллантиради, – деди у. – Бири ўқиётган китоби, иккинчиси – доимий суҳбатдоши.

Шунингдек, у ижтимоий тармоқларга сарфланган вақтни китоб мутолаасига бағишлаш каттароқ фойда келтиришини таъкидлади.

Дарҳақиқат, фарзандларимизда гўзал сўз уларнинг сезгисини тарбиялашдан бошланади.

Алишер Навоий шундай ёзади:

Олибмен тахти фармонимға осон,
Черик чекмай Хитойдин то Хуросон.
Не мулк ичраки бир фармон юбордим,
Анинг забтиға бир девон юбордим.

Яъни, мен қўшин тортмасдан Хитойдан Хуросонгача бўлган ҳамма мамлакатларни эгалладим. Қайси мамлакатни эгалламоқчи бўлсам, фармонга қўшиб, битта шеърлар тўпламимни жўнатдим, дейди Навоий. Бу бебаҳо сатрлар орқали улуғ шоиримиз худди бугунги кунларимизни назарда тутгандек. Чунки Президентимиз ҳар бир чиқишида, ёшлар билан мулоқотларида ҳам китобнинг ўрни ва қадри ҳақида фикр билдиряпти.

Доғистон халқ шоири Расул Ҳамзатов "Йигирма биринчи аср шеъриятини қандай тасаввур қиласиз?", деган саволга "Янги-янги воқеалар, шак-шубҳасиз, шеъриятга ўзгача оҳанг, шакл бағишлайди. Лекин шеърият ўзининг асл манбаи – халқнинг маънавий булоқларидан сув ичиб туриши лозим. Борди-ю, шу булоқларнинг кўзини қум қопласа – даҳшат! Халқ оғзаки ижоди ҳам ана шу булоқлардан. Бизда ёмон одам ҳақида шундай дейишади: "Онаси унга алла айтмаган экан-да". Тоғликларнинг ақл-заковатини аниқлаш учун қадимда уларга учта топшириқ бериларди – ўтмас болтада ўтин ёриш, тошлоқ жойнинг ерини ҳайдаш ва учта эртак айтиб бериш. Маълумки, китоб ўқимаган одам эртак айтишни ҳам билмайди".

Мақсад, ният эзгу. Зеро, китобга қайтиш виджонга, ҳақиқатга, инсофга, адолатга, маънавият ва маърифатга, умуман олганда, хаёлдаги эмас, ҳақиқий ҳаётга қайтишдир!

Президентимизнинг Мактубларида келтирилган эзгулик, бунёдкорлик, ҳамкорлик, озодлик, эркинликка қаратилган фикрлар мамлакатда осойишталик, халқлар ўртасида тотувлик, барқарорликка хизмат қилади.

Авазхон АБДУФАТТОҲ.

Обуначиларимиз орасида

ИЛҒОР МАЪНАВИЯТ МАСКАНИДА

Дилбар Дийметова раҳбарлик қилаётган Ҳамза номли мактаб жамоаси 2024 йилнинг иккинчи ярми учун таҳририят билан шартнома асосида 200 нусха "Жанубий Қозоғистон" газетасига обунани расмийлаштирди. Таҳририят номидан обунада пешқадам ушбу мактаб жамоасига миннатдорчилик билдириб, вилоятимизнинг барча таълим даргоҳларига ўрнак сифатида кўрсатамиз.

Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмасининг ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси билан учрашувига ташриф буюрдик. Нафақадаги устоз Ҳусан Убайдуллаев иқтидорли шогирдлари Рўза Отажонова, Эргаш Назар, Диёра Ҳасанова, Камола Абдуқодирова, Мадина Ҳакимжонова, Жасмина Нуршиддиновалар билан мулоқоти, собиқ устозга самимий ҳурматини кўриб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Мактаб жамоаси шаҳар миқёсида ўтган "Қозоғистон – ягона Ватанимиз", деб номланган, 34та мактаб иштирок этган фестивалда ғалабага эришганлиги ҳақидаги хушхабардан воқиф бўлдик.

Директор ўринбосарлари Зулфия Ғофурова, Абдихон Мамедов, мусиқа устозлари Маҳмуд Тўёнов, Алишер Эгамбердиев, Юлдуз Отабоеваларни ютуқ билан муборакбод этамиз. Фахрий отахон Тўлқин Саидмуродов, нафақадаги устоз Ҳусан Убайдуллаевлар бугунги куннинг вазифалари хусусида ўз мулоҳазаларини баён этишди. Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Райимжон Қўчқоров А. Яссавий номидаги китобсеварлар клубига мактаб ўқувчиларини таклиф қилди, улкан қизиқиш уйғотган заковат савол-жавоби уюштирилиб, билимдонларга совғалар топширди.

Ёзувчи Қулбек Ергўбекнинг ҳамкасби Долимжон Сайфуллаев таржима қилган, Тошкентда нашр қилинган "Боласўз" ҳамда Ирисқул Аббосовнинг "Умримдан хотиралар" китобларини мактаб кутубхона мудираси Ирода Ниёзметовага топширди. Маънавиятга, она тилимиз равнақи, таълим ва тарбияга барчамиз муносиб ҳисса қўшайлик.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: учрашувдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

Долзарб мавзу

ЙЎЛ ҲАҚИДАН ҚЎРҚАЙЛИК...

Жамоат транспорти – автобуслар электрон тўлов шаклига ўтди. Энди кондукторлар ўрнини бошқа тоифа – текширувчилар эгаллади. Улар қайси талаблар асосида ишга қабул қилинишидан бехабармиз. Лекин йўловчиларимиз қизил рангли жилет ва кепка кийган янги ходимларнинг хизмат кўрсатиш фаолиятини бошида унчалик тушунмадилар, айни дамда уларнинг автобусларга кириб-чиқишига ҳам ўрганишди.

Айтганча, тўлов картаси бўлмаса, автобус нархини QR-код ёрдамида тўлашни ҳам тез ўзлаштириб олдик. Яъни, қўлимиздаги смартфонларга ўрнатилган махсус иловани очиб, салондаги VISA логотипи орқали тўлов юборишни ҳам ўргандик. Ёки ҳайдовчига нақд пул бериб, чипта олиши ҳам доимий назоратда.

Хуллас, янги ишни, атиги 1 йил ичида ўзлаштириб олдик.

Яширишнинг ҳожати йўқ, махсус форма кийган, жарангдор овозли текширувчилар уяли телефонлари билан автобусга кирганларида, бир хавотирга ҳам тушиб оламиз. Улар телефон орқали салонни видеога олишади, тўланган ҳақни махсус техник восита (валидатор) ёки телефонлари орқали кўздан кечиришади ва йўлкира тўламаган фуқаролар учун қандай жавобгарлик тури борлигини – жарима миқдорини эълон қилишади. Бор хизматлари – шу. Назоратчиларнинг аксарияти 20-30 оралиғидаги ёшлар. Ҳозир уларга автобус салони, ўриндиқлар тозалигини текширадиган бошқа хизматчилар тоифаси ҳам қўшилди.

Буларнинг барчаси йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш, тўловларни электрон, соддалаштирилган шаклда амалга ошириш ва жамоат транспортида хавфсизлик тизимини таъминлаш мақсадида яратилгани маълум. Фақат...

Бу хизмат тури жорий этилганига бироз вақт бўлгани билан унинг самараси бўлдимикан... Йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланиб, қулай шарт-шароитлар кўпайдимикан... Транспорт соҳасидаги манфаатдорлар ўзлари қабул қилган бу қарордан розимикан...

ОАВ ходими эмас, оддий йўловчи сифатида, яъни шаҳар жамоат транспортида қатнаб турадиган фуқаро сифатида шу саволларга жавоб излаб кўрдим.

10 йил иш тажрибасига эга, 56-автобус ҳайдовчиси (исм-шарифини айтмади):

– Шаҳар ичкарисида қатнайдиган жамоат транспорти ҳайдовчиси сифатида шуни айтган бўлардимки, бу тизимнинг фойдасидан зарари кўпроқ, назаримда. Ҳар автобекатда эмас, асосийларига етганимда, йўловчиларга автобуснинг олд эшигидан тушиш кераклигини айтаман. Бир эмас, бир неча марта такрорлайман. Негаки, йўлкирани ким қандай тўлаганини кўздан кечиришим керак. Тўлаган йўловчи билан тўламаганини тез ажратиб оламан. Ҳали ҳам нафақа ёшидаги одамларда инсоф бор, қўлларидаги карточка ёки нақд пул билан тўлашга ҳаракат қилишади. Телефон орқали тўлашни билмаса, сўрашади, ёшлардан илтимос қилишади. Ёшларимизда эса, ҳаммаси эмас, албатта, лекин аксариятида йўлкира тўлаш деган тушунча йўқолиб бормоқда. Бир сафар жаҳлим чиқиб, йўловчиларга қарата қатъий сўзларни айтишга мажбур бўлдим. “Нима учун болачақамизни текинхўрликка ўргатиб бормоқдамиз? Ахир, бизда ҳам видеокамера бор, хомчўт, тахминий ҳисоб-китоб бор. Қанча одам ташиганимизга қараб, қанча пул тушиши кераклигини ҳам ҳисоблай оламизку. Афсуски, мактаб ёшидагилар эмас, кўпинча талаба ёшлар ҳақ тўламай юришади. Текширувчилар чиқишса, дарҳол терминаллар ишлаб кетади, ҳамма ёппасига тўлай бошлайди, улар бўлмаса, ускуналар ҳам жим. Истардимки, ёш авлод бепул қатновларга ўрганмасин, бунинг охири яхшиликка олиб келмайди. Бу – ўғирлик, ахир. Болаларимизни ҳалолликка ўргатайлик, бировнинг ҳақини ейишдан қўрқишсин. Қачонгача кўзбўямачилик қилиб, автобусларда текин юришади, бир куни барибир бу нотўғри ишлари ўзларига фойда бермай қўяди. Алдоқчилик, бошқаларнинг ҳақидан фойдаланиш билан қаёққа ҳам боришарди?!”.

Умида Султонова, йўловчи:

– Йўлкиранинг 70 тенге бўлгани, нур устига нур, арзон. Шуни ҳам тўламаётган ёшлардан хафаман. Назоратчилар автобусга чиққандан кейин “йўлкира тўланглар”, деб олдиндан огоҳлантиришади. Лекин жарима тўлаётираётганларини ҳам кўрдим. Икки йўловчининг “қўлга тушганини”, яъни мўмайгина жарима тўлаганини ўз кўзим билан кўрдим. Кейин яна бир ҳол – ҳайдовчиларимиз баъзан нақд пул сўрашади, яъни йўлкирани онлайн тўламасликни талаб қилишади, бунга эътирозим бор. Йўловчилар нақд пул тўлаб, чипта олмай кетаётганига ҳам гувоҳман. Ҳайдовчидан чипта сўрашса, у бермайди. Бу ҳам – қоидабузарлик, ахир. Истардимки, ҳар жойда маданият бўлса, жамоат транспортида қатнаш маданияти керак бизга. 30, 71-сонли автобусларда кўпинча валидаторлар ишламайди, уларни текширадиган одам йўқ.

Зиёда Маҳмудова, талаба:

– 135-сонли автобусда кўпроқ қатнайман. Бир воқеа ёдимда. Нақд пул, яъни 100 тенге тўлаган бир тенгқуримга ҳайдовчи чипта қоғозини бермади, у қайта-қайта сўради, лекин ҳайдовчи бермади. Ўшанда уч назоратчи автобусга чиқиб, ҳалиги талаба ёшдан чиптасини кўрсатишни талаб қилишди. У бера олмади, чунки қўлида йўқ эди-да. 6 минг тенгедан кўпроқ пул тўлашга мажбур қилишди. Йиғлади-сиқтади, кечирим сўради. Лекин фойдаси бўлмади. Автобус кетиб қолди, айбсиз айбдор ноилож жарима тўлади.

Кўриб турганимиздек, тизим ҳали мукаммал эмас, унинг иштирокчилари – ҳайдовчи ва йўловчининг ўзига хос эътирозлари, таклиф-мулоҳазалари бор. Лекин ҳар ким ўз вазифасини ҳалол бажарса, учинчи шахс аралашувига эҳтиёж қолмайди. Ҳайдовчи хавфсизлик тизимини бузмай, йўловчига сифатли хизмат кўрсатса, йўловчи эса узоғини яқин қилган транспорт воситасига бировдан ёки жаримадан қўрққани учун эмас, балки фойдаланган хизмати учун ўз вақтида ҳақини тўласа, олам гулистон.

Н. МАВЛОНОВА.

Сув – ҳаёт манбаи

МЕГАПОЛИС ТАЖРИБАСИ – ВИЛОЯТГА

“Сув захиралари – Маркетинг” МЧБга Туркистон вилояти туманларидан вакиллар ташриф буюришди.

Бугунги кунда сув захираларини самарали бошқариш давлатнинг асосий вазифаларидан бирига айланмоқда. Бунинг учун технологиялар, инфратузилма ва ускуналар, шунингдек, малакали ва тажрибали мутахассислар етарли бўлиши керак. Сув таъминоти ҳам доимий ва сифатли бўлиши керак. Ушбу муаммони ҳал қилиш йўлларидан бири – малакали мутахассисларни тайёрлашдир.

Шимкент шаҳридаги “Сув захиралари – Маркетинг” МЧБда махсус семинар-тренинг ўтди. Унда Туркистон вилоятининг 17 тумани ҳокимларининг ўринбосарлари ва сув хўжалиги вакиллари иштирок этди.

Руслан Муздибеков, вилоят энергетика ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси раҳбари:

– Бугунги кунда қишлоқларнинг 97,3 фоизида ичимли сув бор. Йил охирига қадар биз уни 98 фоизга, 2025 йил охирига келиб эса 100 фоизга етказишимиз керак. Айни пайтда, ҳал қилиниши керак бўлган қатор муаммолар мавжуд. Геологик қидирув ишлари натижасида аҳоли манзилларини сув билан таъминлаш борасидаги ишларни якунлаш босқичидамиз.

“Сув захиралари – Маркетинг” МЧБ янги рақамли технологиялар, илғор ускуналар ва геоахборот тизимларини қўллашда улкан тажрибага эга. Инновация технологиялар ёрдамида энергия ва кўплаб кўрсаткичларда меҳнат харажатлари камайди ва нақд иқтисодий натижаларга эришилди.

Жанатбек Турдалиев, “Сув захиралари – Маркетинг” МЧБ Бош директорининг ўринбосари:

– Аҳолини сифатли ва узлуксиз сув билан таъминлаш учун биз ушбу соҳани тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга қатъий риоя қиламиз. Бу – фаолиятимизнинг асосидир.

Туманларда сув таъминоти ва оқава тизими шароитлари яхши эмас. Инфратузилма эскирган, уни янгилаш керак. Илғор технологиялар қўлланилмайди, замонавий тежамкор ва энергияни талаб қилмайдиган ускуналар ишлатилмайди. Натижада улкан муаммо юзага келмоқда.

Семинар якунида меҳмонлар оқаваларни тозалаш иншооти мажмуаси билан танишдилар. Уларга “Европа тикланиш ва тараққиёт банки” насиялари, польшалик ҳамкасбларининг умумий назорати, биогаз ўрнатиш ва биотехнологияларни жорий этиш эвазига амалга оширилган оқава сувларни тозалаш иншооти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Меҳмонлар тозаланган сувнинг тозалигини текширишга муваффақ бўлишди.

Айтганча, семинар иштирокчиларига “Smart Маман” ўқув маркази ҳам таништирилди, у ерда барча муҳим йўналишлар бўйича ўқиш йўлга қўйилган.

Ҳайитмат МУҲИДДИНОВ.

ВЕТЕРИНАРЛАР ҲАМ ХАЙРИЯ ТАДБИРЛАРИДА ФАОЛ

Сув тошқини туфайли мамлакатнинг ғарбий ва шимолий ҳудудларида оғир вазият юзага келди. Сув босган ҳудудлари аҳолиси вилоятимиз томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда.

Фавқулодда вазият юзага келган Ғарбий Қозоғистон вилоятига минтақа ветеринария бошқармаси томонидан 5та техника ва 5 нафар мутахассис йўлланди. Улар инсонпарварлик ёрдамини етказиб беришда шу кунларда ёрдам бериб, Ўралдаги марказий штабда меҳнат қилишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Туркистон вилоятидан сув босган ҳудудларга 150дан зиёд қутқарувчи, 100дан зиёд техника ва 700 тоннага яқин инсонпарварлик ёрдами йўлланган. Кўнгиллиларимиз ҳам ёрдамини аямай, сув тошқини асоратларини бартараф этишмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Орамиздаги одамлар

САБРДАН ЯРАЛГАН УМР

Нигора (исмлар ўзгартирилган) ҳозир 38 ёшда. Вояга етиши ҳамоно сартарош йигит Зафар билан севиб-севишиб турмуш қурди. Йигитнинг ота-онаси ўғлини бу қизга уйлантиришга бутунлай қарши бўлса-да, у талабида қатъий турди.

"Нигорага уйланаман, тамом, вассалом!" Ота-она норозилигига қарамай, йигит севган қизига уйланди. Ёшларнинг бир-бирига муҳаббатини кўриб, қизнинг оиласи ҳам бунга қаршилик кўрсатмади. Йигитнинг ота-онаси уйга эга чиқишидан ҳайиқиб, ҳуқуқий жиҳатдан эҳтиёт чорасини кўриб қўйишди – ўғлининг никоҳини қонунан қайд эттиришмади.

Йиллар ўтди, фарзандлар дунёга келди. Оилада можаролар бошланди. Қайнона имкон топди дегунча, ажратиб юбориш билан қўрқита бошлади. Бундай гап-сўзлар катта ёшдаги қайнона оғзидан шунчаки чиқиб кетмаслиги тайин. Бундай дашномлар қайнона ҳамда қайнотанинг қўл кўтаришлари, аниқроғи, келиннинг калтакланиши билан ҳам поёнига етарди. Нигора вақт ўтсада, фарзандларининг келажаги, истиқболи ва яхши кунлар илинжида бундай муомалага кўникиб яшайверди. Беш фарзандли бўлганида бундай зулм қамрови кун сайин орта бошлади. 3 ўғил ҳамда 2 қиз кўрган келин бошига тушаётган зулм фарзандлар кўз ўнггида юз беришига фарзандлар ҳам кўнишди. Онасининг дўппосланаётганини кўрган болалар бувисининг овозидан қўрқиб қолишди, бу ҳовлида уларнинг болаларча беғубор кулгуси унутилди, хуллас, болалик ўғирланди.

Дўппослашлар энди уйдан ҳайдаб чиқаришлар билан поёнига ета бошлади. Қайнота, қайнона келини ва невараларини уйдан ҳайдаб чиқариша бошлади. Жанжалга гувоҳ бўлган қўшнилар ҳам катталарни инсофга чақиришга ҳаракат қилишди. Йўқ, қариндошлар, танишлар, қўшниларнинг бу ҳолатни яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатлари самарасиз кетди. Бешинчи невараси ҳали 1 ёшга тўлмай туриб, ўғлининг ўша қизга уйланишига қарши бўлган, бироқ тақдир тақозоси билан хонадонларига келин бўлиб келган Нигора ҳамда унинг 5 нафар фарзандини уйдан тамомила ҳайдаб чиқаришди. Қани энди ўғил ота-онасига қарши бирон бир сўз айта олса?! Наилож, Нигора ота-онасининг уйига кетишга мажбур бўлди.

Ота-онанинг уйида ҳам невералар бор, буёқда яна 5 нафар бола. “Ҳар ким ўз уйидан тинсин”, деган бувиларимизнинг дуоларида ҳикмат кўп.

Укасининг оиласини бузмаслик мақсадида Нигора Инқироз марказига мурожаат қилди. Унинг муаммоси билан танишган мутахассислар оилани тиклашга, катталарни сабрга чақиришга ҳаракат қилишди. Ҳуқуқшунослар, руҳиятшунослар ҳарчанд ҳаракат қилишмасин, уларнинг саъй-ҳаракатлари ижобий натижа бермади. “Келинингизнинг айбларини айтинг, улар билан ҳамкорликда ишлаб, хулқини руҳиятшунослар билан биргаликда ислоҳ қилайлик,”, каби таклифларга биргина жавоб берилди – “бизлар унинг боламизга рафиқа бўлишларига рози бўлмаганмиз ва уни ҳам, невараларни ҳам кўришни истамаймиз”, қабилидаги жавобни олишди. Бундай ҳолат билан илк бор дуч келаётган ҳуқуқшунослар, мутахассислар ёлғиз аёлнинг муаммоларини ҳал қилишга киришишди. Болалар нафақа пулини бирон марта ҳам олмаган Нигора номига ҳужжатлар расмийлаштирилди. Болалар учун тўланадиган алимент ундирилди. Энди ҳар ойда унинг собиқ эри 5 нафар фарзанди учун салкам 60 минг тенге алимент тўлай бошлади. Кам таъминланган, кўп болали ҳамда ёлғиз оналар учун тақдим этиладиган ижара уйлар учун навбатга қўйилди. Болаларни инқироз марказига яқин ҳудуддаги мактабга ўтказишди. Аёл ўқув марказидаги курсларга қатнаб, қандолатчилик касбини эгаллади. Мутахассислар ёрдамида манзилли ижтимоий ёрдам ола бошлади. Тадбиркор, саховатпеша инсонлар қўллови билан бир уйни Нигора ҳамда унинг фарзандларига ажратиб беришди. Ижара ҳақи ҳам нафақа сифатида унга тўланяпти.

Дунёда яхши одамларнинг борлиги учун ҳам ҳаёт нурафшон, акс ҳолда, аёл аллақачон ҳаётидан тўйиб кетган бўлармиди. Энг яқин инсонларидан мурувват кўрмаган фарзандлар, уларни ўйлаётган ким бор? Тўғри, уларни савобталаб инсонлар рўзғорларини бутлашда қўлдан келганча ёрдамини аяшмаяпти. Аёл ҳам фақат уларнинг ёрдамига кўз тикиб яшаяпти, дея хулоса чиқарсангиз, адашасиз. Курсларда олган кўникмалари унга даромад келтиряпти. Турли пиширириқлар пишириб, шаҳар марказидаги корхоналарга етказиб беради. Натижада корхоналарнинг ходимлари хонасидан чиқмаган ҳолда Нигоранинг тайёрлаган пиширириқлари ҳамда таомларини тановул қилишади. Албатта, бу ишни уддалаш аёлга осон бўлаётгани йўқ. 14 ёшли 7 синфда ўқийдиган тўнғич ўғли унга бу ишда ёрдам беряпти. Тунги соат 3.00да уйғониб, эрталабки соат 8гача (тасаввур қилинг, бу пайтда бу ёшдаги болалар ширин уйқуда бўлишади) онасига ёрдам беради. Тушликдан сўнг дарсга қатнайдиган болакай дарсларни ярим уйқу ҳолатида ўтказса ҳам, онасига ёрдам бераётганидан, онаси учун бир қанот бўлаётганидан хурсанд, орзуларини, келажакда онасига тақдим этадиган ҳадяларини айтиб, Нигорани хурсанд қилиб қўяди.

Ҳар куни салкам 10 минг тенге даромад топаётган аёл имкон қадар пулни тежаб ишлатади. Мана, бир йилдирки ёлғиз аёллиги давомида уйига совутгич, кондиционер, телевизор, микротўлқинли печь, касбий газ плитасини харид қилди. Бир йил ўтар ўтмас аёл насияга олинган буюмларнинг қарзларидан тамомила қутулди.

Бир йил мобайнида ота фарзандларини кўришга уч марта келди. Охирги келишида аёлнинг “фарзандларимизга бозорлик қилиб беринг”, деган илтимосига “Сен билан никоҳимиз йўқ, номаҳрам аёлга бозорлик қилиб бериш мумкин эмас”, қабилидаги жавобни эшитди. Яратган бандасини ўз муаммолари билан ёлғиз ташлаб қўймас экан. Умуман бегона, номаҳрам, бироқ қалбида саховат кўрсатиш, эҳсон қилишга интилувчан, мурувватли инсонлар жамланишиб, маҳалла қўмитаси раиси раҳбарлигида ҳар ҳафта бу оилага моддий ёрдам беришни йўлга қўйишди.

Нуқсонлардан ҳеч ким бенасиб эмас, ўз навбатида ўша қусурлар орқали ахлоқини ислоҳ қилишга интилиб яшайди, инсон. Ҳаёт йўлида отилган кўпгина тошларнинг изларини, улардан келган оғриқларини ҳам яшириб, уларга кўникиб яшаш фитратида бор. Ўзбек оиласида шундай ҳолатга гувоҳ бўлаётганимдан қалбим ларзага келди. Ушбу ҳолатга олиб келган вазиятлар, кимнинг ҳақ ёки ноҳақлигини муҳокама қилмоқчи эмасман. Бироқ аниқ бир маънавий абгорлик бор – беш нафар фарзанд отаси, бувабувиси, бошпанаси бўла туриб, бегона инсонларнинг ёрдамига, ижарага бераётган уйига муҳтож. Келинларни қўя турайлик, фарзандларда нима айб? Рўзғор тебратиш ташвиши 14 ёшли боланинг гарданида. Уни беғубор болалигидан маҳрум қилаётган катталарга вояга етгач, унинг муносабати қандай бўлади? Рўзғор ташвишида тунни бедор ўтказаётган болакайнинг подшолик даври учун Яратган ҳузурида жавоб беришларини, ўткинчи дунё матоҳини афзал билганлар омонатдор эканликларини билишармикан? Йўқ, улар омонатдорлик ҳиссини билишмайди, билишса, бу ҳолатга томошабин бўлиб туришмасди...

М. САЪДУЛЛАЕВА.

Байрам барчамизга муборак бўлсин!

Ушбу қутлуғ байрам муқаддас заминимизда истиқомат қилаётган барча фуқаролар учун қадрлидир.

Бу йилги Бирдамлик кунининг аҳамияти беқиёсдир. Бугунги кунда Қозоғистон халқи тошқин оқибатларини бартараф этишда бир ёқадан бош чиқариб, тер тўкмоқда. Лекин бу кунда бирлигимиз кучли, мақсадларимиз муштарак, руҳимиз баланд. Шу боис халқимиз ҳар қандай қийинчиликларни енгиб, бунёдкорлик ва тараққиёт йўлида янги марраларни забт этишига ишончим комил.

Сизларга мустаҳкам соғлик, фаровонлик ва муваффақиятлар тилайман! Турли миллат вакиллари учун тинчлик ошиёнига айланган Қозоғистонимизнинг келажаги буюк бўлиб, тараққий этган 30 давлат қаторидан жой эгаллашига тилакдошман. Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч бўлсин. Меҳр-мурувват, бахту иқбол хонадонларингизни ҳеч қачон тарк этмасин!

Ўсмонали ҚОДИРОВ,
Тўлебий туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси.

Азиз ва муҳтарам ҳамюртлар!

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни муҳим байрам – Қозоғистон халқи бирдамлиги куни билан самимий табриклайман. Барча эзгу тилакларимни сизларга йўллайман. Юртимизда тинчлик-хотиржамлик, соғлик-омонлик ва омад-муваффақиятлар барқарор бўлсин.

Шу ўринда Ватан ҳимоячилари ва Буюк Ғалаба кунлари билан ҳам чин қалбимдан муборакбод этиб, шу саналарга алоқадор инсонларга чуқур ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилакларимни изҳор этаман. Уларнинг буюк хизматлари, руҳи поклари олдида доим таъзимдамиз.

Бугун мамлакатимизнинг ярмида машаққатли вазият юзага келган. Шимолий ва ғарбий ҳудудларни сув босган. Лекин биз дўстлигимиз ва бирдамлигимиз туфайли юртдошларимизнинг ташвишини бирга баҳам кўриб, ҳақиқий фидойилик ва саховат намунасини кўрсатмоқдамиз. БИЗ БИРГАМИЗ!

Яна бир карра юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Тоҳир НИШОНБОЕВ,
Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси.

Бирлик – тинчлик гарови!

Барча юртдошларимизни 1 Май – Қозоғистон халқи бирдамлиги куни билан чин қалбдан табриклайман! Она Ватанимизга кўз тегмасин! Жонажон Қозоғистонимизнинг ҳар қарич ери биз учун муқаддасдир! Давлатимиз эришаётган муваффақиятлар – халқлар дўстлиги, бирлигининг мевасидир.

Республикамизнинг шимолий минтақаларида рўй бераётган табиий офат – сув тошқинидан азият чекканларга ёрдам беришда ватандошларимиз яна бир бор жипслигини намоён этмоқда.

Бирлигимиз ҳамиша бардавом бўлсин. Ватан равнақи йўлида хизмат қилишдан ҳеч қачон чарчамаймиз. Мустақиллигимизга кўз тегмасин! Жонажон Қозоғистонимиз гуллаб, яшнайверсин!

Жавлон СОБИТОВ,
Қазиғурт туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, туман маслаҳати депутати.

Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!

“ОТАЛАР ЧОЙХОНАСИ” – Р. ҚЎЧҚОРОВ ХОНАДОНИДА

Туркистон шаҳри, Саврон тумани ҳамда Қарноқ қишлоғи фаол отахонлари жамоат ташкилотлари раиси, ҳомий Р. Қўчқоров хонадонига “Оталар чойхонаси” тадбирига ташриф буюришди. Фаол отахон Тўлқин Саидмуродов таклифи билан барча меҳмонларга ҚР Президенти Қ.Тўқаев раҳбарлигида ўтган Қозоғистон халқи Ассамблеясининг навбатдаги XXXIII сессияси ҳақида кўламдор мақола эълон қилинган “Жанубий Қозоғистон” газетаси тақдим этилиб, анжуман ҳақида батафсил маълумот берилди.

Барчамизнинг асосий вазифамиз эл бирлиги, тотувлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш, ёшларнинг ижтимоий тармоқ орқали қонунга зид, демакки, жазога лойиқ хатти-ҳаракатларига келажакда йўл қўймаслик талабини ЎЭМБ раислари Қурбонбой Ирисбеков ва Райимжон Қўчқоровлар қўллаб-қувватладилар.

Фаол жамоатчи, ҚРда хизмат кўрсатган маданият арбоби, Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси, вилоят оқсоқоллар кенгаши ҳайъати аъзоси Ирисқул Аббосов ёзиб, ўз ҳисобидан нашр эттирган “Умримдан хотиралар” китобининг тақдимот маросимида Қозоғистон Ёзувчилар Уюшмаси аъзолари Эрназар Рўзиматов, Абдураҳим Пратов, фаол обуначимиз Ҳусан Убайдуллаевлар муаллифни муборакбод этишди. Барча “Жанубий Қозоғистон” газетаси муштарийлари номидан муаллиф И. Аббосов кифтига тўн ёпилиб, эҳтиром кўрсатилди. Кўп йил муқаддам марҳум Муқим Абдуразоқов адиб Одил Ёқубов билан учрашув чоғида ҳамқишлоқлари номидан қишлоқ тарихи ҳақида китоб чоп этиш илтимосини баён этганди. Тақдир тақозоси билан бу вазифани маданият саройи ва қишлоқ кенгашига раҳбарлик қилган Ирисқул Аббосов беш йиллик меҳнати мобайнида амалга оширганлиги шонли тарих. Хушовоз хонандалар Расул Қоумбоев ва Абдураҳим Мамутовлар ижросидаги мумтоз қўшиқлар даврага файз киритди.

Фаол обуначимиз Қодир Аҳмедовнинг таклифи билан “Оталар чойхонаси”нинг навбатдаги тадбири қишлоқда яқинда барпо этилган, мумтоз адабий китоблардан иборат кутубхонаси ҳамда “Жанубий Қозоғистон” газетаси тахлами мавжуд олтмиш кишилик чойхонада ўтади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

ВАТАНПАРВАРЛИККА ЧОРЛОВЧИ ТАДБИР

Марс Елекеев раҳбарлик қилаётган Шимкент шаҳридаги 10-сонли аграр коллежида “Мўрагер” тинчликпарварлик ҳарбий шартлар кучи” бирлашмасининг ташаббуси билан ҳарбий машғулотлар мусобақаси уюштирилди.

Тадбирда “Мўрагер” жамоат бирлашмаси раиси Усенбатир Арзиқулов ва унинг ўринбосари Аубакир Таштаев иштирокчиларга муваффақият тилаб, бир гуруҳ устоз-муаллимларга фахрий ёрлиқлар топширди.

Булбул чаманни севар,
Одам – Ватанни.

Тадбирда ёшлар онгида ватанпарварлик ҳиссини шакллантириш йўлида фаолият юритаётган “Мўрагер” жамоат бирлашмасининг Сайрам даҳаси бўлими раиси Зокиржон Тўйметов, маслаҳатчиси Аббос Шомирзаев, аъзолари – Арзимат Ашурматов. К. Зариббоев, Т. Раҳмонқулов, Х. Худойназаров, Ғ. Тўламетовлар бу каби тадбирларни мунтазам ўтказиш зарурлигини таъкидлашди.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

МУТОЛААГА МУШТОҚ ДИЛЛАР УЧРАШУВИ

Қорамурт қишлоқ маданият уйида ҚХА қошидаги ахборий-насиҳат гуруҳининг этнос ёшлари билан навбатдаги учрашуви ўтди.

Тадбирда Қорамурт ва Низомобод қишлоқ кутубхоналари ҳамкорликда “Бутунжаҳон китоб ва муаллифлик ҳуқуқи куни”га бағишлаб, “Тотувлиги ярашган элмиз” мавзуида китоб кўргазмасини ташкил этди. Кўргазма Низомобод қишлоқ кутубхонаси кутубхоначиси Нигора Рўзақулова ҳамда камина томонидан тақдим этилди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад – ёшларни ватанпарварликка, халқини эъзозлаш ва юртига хизмат қилишга даъват этиш ҳамда китоб мутолаасига қизиқтириш уйғотишдан иборат эди.

Кўргазмада китобхона жамғармасидаги қозоқ халқининг тарихи, турли этносларнинг урф-одатлари ва анъаналарига оид китоблар тақдим этилди.

Марҳабо КЕНЖАБОЕВА,
Қорамурт қишлоқ кутубхонаси кутубхоначиси.
Сайрам тумани.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба – **Шаҳноза УСМОНОВА.**

Масъул шахслар:
Туркистон, Саврон – **Шомирза МАДАЛИЕВ.** +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзоқ – **Рўзиохун МАДАЛИЕВ.** +7708-824-20-97.
Тўлебий – **Баҳорой ДЎСМАТОВА.** 8(72547) 6-07-16.
Қазиғурт – **Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.** +7701-447-37-42.
Сайрам – **Зокиржон МЎМИНЖОНОВ.** +7702-278-96-90
Тулкибош – **Мунира САЪДУЛЛАЕВА.** +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – **Мухтабар УСМОНОВА.** +7701-257-36-97
Келес, Сариоғоч – **Малика ЭЛТОЕВА.** +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

● *Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.*
● *Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб, KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

«ERNUR-print» МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳкўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 11700 нусха.

Буюртма: 1068.

Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОЕВА.